

Амир Темур —
халқимиз даҳосининг
тимсоли, маънавий
қудратимиз
рамзидир.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 9-aprel, chorshanba № 29 (8678)

СОҶИБҚИРОН УЛҒАЙГАН ЮРТ

9-aprel — Amir Temur tavallud topgan kun

Бугун Шаҳрисабзда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларидан ҳайратга тушасиз. Буюк Амир Темур даврида кўҳна Кешга ташриф буюрган испан элчиси Клавиho шаҳарда олиб борилаётган ишларни кўриб, ўз хотираларида шундай ёзиб қолдирган: "...Эртаси, жума кuni элчилар Кешдаги яна бир маҳобатли саройни томоша қилишди. Подшонинг амри ила бунёд этилаётган бу қошона қурилиши, айтишларича, йигирма йилдан бери ҳар кuni, тинимсиз давом этади. Шу кунларда ҳам (бу ерда) кўплаб усталар ишларди. Саройга жуда узун йўлакдан, бағоят баланд дарвоза орқали кирилади... Сарой шу қадар ҳашаматли қилиб қурилган элики, уни тавсифлаш учун хоналарнинг ҳар бирини шошилмай кўзлан кечирмоқ керак... Бўлма ва хоналарга зарҳал, зангори ва бошқа хил бўёқлар билан заргарона ҳал берилганки, чевар усталарга эга бўлган Париж ҳам бу нақшлардан ҳайратга тушиши ҳеч гап эмас".

Дарҳақиқат, бунёдкорлик халқимизга хос азалий фазилат. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида бу янада ёрқинроқ намоён бўлиб, ўзгаларнинг ҳайратига, ҳавасига сабаб бўлмоқда. Бунинг исботини кўҳна Кешда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари маҳсули сифатида за-



монавий ва кўркем қиёфа касб этган Шаҳрисабз шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин.

Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг юксак намуналаридан бири бўлган Оқсарой буюк Амир Темур номи билан юритиладиган хиёбонда жойлашган ва бугунги авлодларга ҳам бунёдкорлик — инсон ҳаётининг мазмуни эканини эслатиб турди. Бу ерга ҳар кuni кўплаб юртдошларимиз ва хорижлик сайёҳлар ташриф буюради. Аждодларимиз ақл-заковатда тенгсиз бўлганига гувоҳ бўлади.

1996 йил 28 августда Шаҳрисабз шаҳри "Амир Темур" ордени билан тақдирланди. Президентимиз ўша йили 18 октябрь кuni Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросимда бундай деди: "Ҳазрати Темур ўз олдида улғувор мақсадларни қўйганда, аввало ўз элига, ўз она юрти — Кешга ишонган ва унга таянган. У қайси бир сафаридан қайтмасин, даставвал Кешни зиёрат қилган, азиз-авлиёларнинг қадамжоларини тавоф этган, ҳамюртларининг дуо ва маслаҳатларини олган. ...Катта ишонч билан шунини таъкидлашим керакки, бу юртнинг фарзандлари, Темурбекнинг набиралари ўз қалбларида улғу бобосига хос гўзал фазилатларни асраб-авайлаб, бугунги ҳаётимизда ҳам намоён қилмоқдалар".

(Давоми 8-бетда.)

**ҲАР БИР
ЎҚУВЧИ —
БЎЛҒУСИ ЕТУК
МУТАХАССИС**
касбга тўғри
йўналтириш
буни
кафолатлайди

3-бет

**БОЛАЖОН
БИЛАН
МЕҲМОНГА
БОРИШ...**
унинг ижобий
ва салбий
жиҳатлари
борми?

11-бет

"ДЎСТЛИК"

ЁШ ТЕННИСЧИЛАРНИ КУТМОҚДА

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчиларининг катта спорт байрами — "Баркамол авлод — 2014" мусобақаларига мезбонлик қиладиган Наманган шаҳрида тайёргарлик ишлари қизгин тус олган.



Мусобақанинг теннис бўйича финал баҳслари шаҳардаги 2-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабига қарашли "Дўстлик" теннис кортида бўлиб ўтади. Айни пайтда ушбу спорт иншооти қайта таъмирдан чиқарилиб, мусобақага шай ҳолга келтирилди.



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

**Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Сенати
ўн тўртинчи ялпи
мажлисининг
очилиши тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси 2014 йил 10 апрель кuni эрталаб соат 10:00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон
Республикаси
Олий Мажлиси
Сенатининг
аъзолари
диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2014 йил 9 апрель кuni соат 9:00 дан 18:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесига рўйхатга олинади.

Тошкент давлат юридик университетида «Давлат бошқарувини демократлаштириш жараёнида парламент ислохотларининг самарадорлигини ошириш» мавзусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Адлия вазирлиги, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалий қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети вакиллари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, хусусан, давлат бошқаруvinинг энг муҳим принциплари бўлмиш давлат ҳокимияти-

«Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган иккинчи гоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни

муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларнинг давлат бошқарувини такомиллаштиришдаги аҳамияти, ҳокимиятлар бўлиниши принциплари амалга ошириш Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг муҳим асоси, Ўзбекистон Республикасида парламент назоратини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари, ижро ҳокимияти асосларининг ҳокимиятлар бўлиниши принциплари мувофиқ конституциявий

ТАЖРИБА-СИНОВ НАТИЖАЛАРИ МУҲОКАМАДА



Сергели туманидаги 322-мактабда «Умумтаълим мактабларида чет тилларни ўрганишнинг замонавий усуллари» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбирнинг амалий қисмида барча инглиз тили ўқитувчилари учун «Тинглаб тушунишда учрайдиган муаммолар: ибора ва сўз бирикмалари», «Хорижий тилларни ўрганишда муваффақиятга эришиш йўллари», «Тинглаб тушунишни ўрганишнинг замонавий усуллари» каби мавзуларда маҳорат дарслари ўтилди. Бундан ташқари Kids English дарслик мажмуаси асосида экспериментатор-ўқитувчилар томонидан 1—2-синф ўқувчилари иштирокида очик дарс ташкил этилди.

Анжуманда, Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, чет тиллари бўйича мутахассис кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, Қори Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти, шаҳар педагог ҳодимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти вакиллари, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари ва дарслик муаллифлари «Kids' English-2» дарслик мажмуаси асосида тажриба-синнов натижалари, инглиз тили ўқитувчиларининг маҳоратини оширишга қаратилган тавсиялар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Маҳбуба КАРИМОВА

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

нинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш принциплари конституциявий таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Олий Мажлис фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг қонун ҳужжатларининг жамиятда, давлат бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан бажарилишини, ҳокимиятларнинг ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати принциплари амалга оширишни таъминлайдиган самарали механизми бўлган парламент назоратига ҳам катта эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январь кuni бўлиб ўтган қўша мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек,

ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир».

Бугунги кунда мамлакатимизда парламент назоратига алоҳида эътибор қаратилмоқда, бу борада кенг тушунириш ва тарғибот ишлари олиб борилаётир.

Давра суҳбати иштирокчилари ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва давлат бошқарувини янада демократлаштириш масалаларига эътибор берган ҳолда, Конституцияга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларнинг, шунингдек, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг долзарблиги ва

ривожланиши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг фаолиятини янада кучайтириш ва бошқа масалалар атрофида муҳокама қилинди. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича тақлифлар билдирилди.

Тадбир сўнгига «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш ҳамда Конституция нормаларини ҳаётга татбиқ этиш ишлари самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

ЎЗА

ТАРБИЯДА УЧ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК

Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлигини амалга ошириш масалалари» мавзусида видеоконференция бўлиб ўтди. Унда Халқ таълими вазирлиги ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон партияси аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вакиллари ҳамда олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар ёш авлоднинг миллий аънава ва умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялаш, уларда эзгу фазилатларни қарор топтириш, онги ва шуурини маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишда оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Ҳозирда «Адолат» социал-демократик партияси томонидан ёшларнинг таълим-тарбиясини юксалтириш мақсадида «Таълим: замонавий даража ва моддий базани яхшилаш» номли лойиҳа амалга оширилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зухра Ботирова. — Бунда оила — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. Конференцияда ҳам бу борада атрофлича тўхталиб, ёшларнинг сифатли таълим олиши ва соҳага доир меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалалари бўйича тегishли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Фурқат АЛИМАРДОНОВ

Пойтахтимиздаги 269-мактабда ўқувчи ёшларнинг экологияга оид билимларини ошириш, уларнинг табиатга онгли муносабатини шакллантириш мақсадида «Табиатни асрайлик» мавзусида беллашув ўтказилди. «Бош Комунисизминг 55-моддасига амал қиламиз» шиори остида март — табиий фанлар ойлиги якуни муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбирда ўқувчилар биология ва экологияга оид билимларини синовдан ўтказдилар.

ҚАНЧА ЎСИМЛИК ОБ-ҲАВО ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРАДИ?



Тадбир ўтказиладиган фаоллар зали ўқувчилар томонидан тайёрланган мавзуга оид плакатлар, шoir ва деворий газеталар билан жиҳозланган. Бошловчи томонидан беллашув бошлангани эълон қилинди ва Конституциянинг 55-моддасида белгилаб қўйилган ушбу жумлалар эслатиб ўтилди: «Ер, ер ости

бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир».

Беллашув 6-синф ўқувчиларидан иборат «Фитонесидлар» ва «Биоэкологлар» жамоалари ўртасида экологик таништирув, эркин мавзуда саҳна кўриниши, тезкор савол-жавоб, сардорлар баҳси каби шартлар асосида бўлиб ўтди. Бошловчи томонидан ҳар бир шарт якунида фанга оид қизиқарли маълумот-

лар томошабинлар эътиборига ҳавола этиб борилади.

Ботаник олимлар хулосасига кўра, ер юзида об-ҳавони олдиндан «айтиб бериш» хусусиятига эга 400 турга яқин ўсимлик мавжуд. Швед ботаниги Карл Линней турли вақтларда очи-лишига қараб «ботаник гулсоят» тузган.

Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, фанларга нисбатан қизиқшини ошириш мақсадида ўтказилган беллашув ана шундай қизиқарли ва жонли тарзда олиб борилади.

Интизор КУРБОНОВА,
мактаб ўқитувчиси

КЎНГИЛДАН ЖОЙ ОЛГАН ШЕЪРИЯТ

Халқ таълими вазирлиги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида Республика Болалар кутубхонаси билан ҳамкорликда оташқалб шoir Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб «Ватан куйчиси» мавзусида видеоконференция ўтказилди.

Видеоконференцияда вазирлик тизимидаги муассасалар вакиллари, Ўзбекистон халқ шoirи Иқбол Мирзо. — Унинг шеърлари ҳар бир кўнгилдан муносиб жой олган. Бугун шоирнинг шеърлари кириб бормаган хонадон топилмаслигининг сабаби ҳам шунда. Она Ватани, меҳр-муҳаббатни қўйлаган шoir ҳамиша халқимиз қалбида яшайди.

Видео-мулоқотда сўзга чиққан шoir ва ёзувчилар, адабиёт ихлосмандлари шоирнинг ҳаёт йўли, ижодий фаолияти хусусида фикр юритдилар. Муҳаммад Юсуфнинг адабиётимиз ривожига қўшган муносиб ҳиссаси, шеърларидаги мавзуларнинг ранг-баранглиги, асарларининг ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ўрни муҳим экани қайд этилди. Шоирнинг шoir-гирдлари, яқинлари унинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ ҳаётий воқеалардан гапириб бердилар.

— Устоз ёзган шеърлари каби дилкаш ва беғубор инсон эди, — дейди Ўзбекистон халқ шoirи Иқбол Мирзо. — Унинг шеърлари ҳар бир кўнгилдан муносиб жой олган. Бугун шоирнинг шеърлари кириб бормаган хонадон топилмаслигининг сабаби ҳам шунда. Она Ватани, меҳр-муҳаббатни қўйлаган шoir ҳамиша халқимиз қалбида яшайди.

МУҲБИРИМИЗ

2014-yil 9-aprel, № 29 (8678)

Оқилардан бири “Мол-мулки кўп одам бадавлат эмас, балки эс-хуши, касб-хунари киши бойдир”, дея илму хунарининг фазилатини, инсон камолоти ва фаровон ҳаётига бениҳоя улкан ҳиссасини мадҳ этган. Зеро, хунар кишининг шахс даражасига етиб камол топишига, меҳнати, касб-кори билан жамият ва халқ рағбатига, турмуш тарзи юксалишига ҳисса қўшуви мўҳим омилдир. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика таъхис маркази директори Камол Фафуров билан суҳбатимиз ҳам айнан шу йўналиш — ўқувчи-ёшларнинг ўз иқтидор ва лаёқатига мос касб-хунар танлашларида кўмаклашиш, уларда муайян соҳага қизиқиш уйғотиш, ёшларни касбга тўғри йўналтириш бўйича ота-оналар ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишлари ва бошқа масалалар ҳусусида бўлди.

ҲАР БИР ЎҚУВЧИ — БЎЛҒУСИ ЕТУК МУТАХАССИС

касбга тўғри йўналтириш буни кафолатлайди

— Ўқувчини бирор касб-хунарга йўналтириш, меҳнатга рағбатлантириш, муайян касбларга доир билиминини шакллантириш ишларини нечанчи синфдан бошлаган маъқул ва бу қай тартибда олиб борилади?

— Фарзанд таълим-тарбияси, уни етук шахс этиб камолга етказиш ҳамма даврларда мўҳим масала бўлиб келган. Зеро, дунёдаги ҳар бир ота-она зурриёдининг жамиятда ўз ўрнига, муносиб маккега эга бўлишини истайди, ўғил-қизим билан ғурурлансам, дея орзу қилади. Шу маънода, жамиятда меҳнат таълими ва касбга йўналтириш жараёнининг ўрни катта. Чунки бунда ўқувчилар бевосита тегишли меҳнат кўникмаларини эгаллаш ва уларни мустақил қўллаш босқичини ўтайди. Шунингдек, улар қай бир касбий йўналиш ўз лаёқат ва имкониятларига мувофиқ эканини билиб олади.

Умумтаълим мактабларидаги касбга йўналтириш ишлари ўқувчи-ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, касб-хунар танлашларига кенг имконият яратиш, уларга касб-хунар ҳақидаги тушунчаларни етказиш, танлаган касби келажақда бахт келтиришини аниқлашга кўмаклашиш каби мақсад-муддаоларни ўзида мутасаддиқ этилади.

Ўқувчининг бирор касбга қизиқишини ошириш ва у келажақда танлаган соҳасининг етук мутахассиси бўлиб етишиши учун тарбияни ilk болалик чоғларидан, яъни боланинг ақл-идроки шаклланаётган палладан бошлаш айни мuddaodir. Қолаверса, турли касблар бўйича тулқин ҳадвал асосида мактабга таълим муассасаларида ҳар хил машқ ва саҳна кўринишлари орқали бола онгига бирор соҳага меҳр уйғотиш мўҳим. Ушбу тизим босқичма-босқич давом эттирилиб, боланинг мактаб-гача таълим муассасасида олган таассуротлари мактабда ривожлантириб борилади ва 5-синфдан янада мукаммаллаштирилган, аниқ бир касб ҳақидаги маълумотлар меҳнат фани дарслирида ўқувчи тафаккурига сингдирилади. 7-синфдан ўқувчи қизиқишини инобатга олган ҳолда, танлаган касбга тўғри йўналтириш

мақсадга мувофиқдир. Бу жараёнда ҳар бир соҳага доир китоб, қўлланма, дарсликлар билан таништириб бориш ўқувчининг танлаган касбга қизиқишини янада оширади. 8—9-синфларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириб, “Мен орзу қилган касб”, “Касбим — фахрим”, “Касблар фестивали” сингари республика миқёсидаги кўрик-танловларни ташкил этиш, уларда ғолиб бўлган ўқувчиларни муносиб рағбатлантириш ёшларнинг касбга қизиқишини янада ошириши шубҳасиз. Айниқса, корхона-ташқилот, завод-фабрикаларга мунтазам саёхатлар ташкил этиш ўқувчининг касбга қизиқиши ҳаётий фактлар асосида шаклланишида мўҳим аҳамият касб этади.

— Ўқувчи-ёшларни касбий маълумотлар билан яқиндан таништириш, академик лицей ва касб-хунар коллежларида “Очик эшиклар кўни” ва бошқа тадбирларни ўтказиш битирувчиларнинг касб танлаш бора-сидаги имкониятини, касб ва хуналар тўғрисидаги билиминини кенгайтириши шубҳасиз. Бу борада Марказ томонидан амалга оширилаётган ишлар ва бошқа муассасалар билан ҳамкорлик ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Умумтаълим мактабларида узлуқсиз касб-хунарга йўналтириш ишлари самарадорлигини ошириш ва ўқувчи-ёшларни касбий маълумотлар билан яқиндан таништириш мақсадида Марказ томонидан мунтазам ўтказиладиган касб-хунарга йўналтиришга бағишланган тадбирлар тартиби ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Жумладан, “Касблар ойлиги”, “Касблар ҳафталиги” сингари тадбирлар йил давомида ўтказилади. “Касблар ойлиги” ўқув йили мобайнида ҳар ойда ташкил этилиб, касб-хунар коллежларидаги йўналишларга бағишланади. Бунда касблар ва тайёрлов йўналишлари ҳақида ўқувчиларга кенгроқ маълумот берилиб, соҳаларга доир тасаввурлари шакллантириляпти. “Касблар ҳафталиги” эса ўқув йили давомида ҳар икки ойнинг охириг ҳафтасида ўтказилиб, бунда академик лицей ва касб-

хунар коллежларидаги тайёрлов йўналишлари ва касблар ҳақида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида “Очик эшиклар кўни”, “Мутахассислигинг — сенинг келажагинг” тадбирлари, “Касблар фестивали”, умумтаълим мактабларининг 7—9-синф ўқувчилари ўртасида “Мен орзу қилган касб” иншоолар танлови, “Қиз боланинг касби — унинг бахти” сингари давра

февраль кунлари республика миқёсида 9-синф битирувчиларини ўзлари танлаган академик лицей ва касб-хунар коллежларига қамраб олиш, улар ҳақидаги маълумотларни шакллантириш, ўқув йили давомида касбга йўналтириш ишларини олиб бориш мақсадида биринчи сўровнома-лар ўтказилди. Унда жами 501596 нафар ўқувчи қатнашди. Олинган натижаларга кўра, ўқувчи-ёшлар ўртасида тиббиёт, фармацевтика, молия, иқтисодиёт, транспорт, ҳуқуқшунослик каби соҳалар билан бир қаторда, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, савдо-

саноат, тўқимачилик, ишлаб чиқариш, тоғ-кон металлургия саноати каби йўналишларга қизиқиш юқори экани маълум бўлди. Бу — жойларда ўқувчилар ва ота-оналар билан олиб борилган тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишлари тўғри ва аниқ йўлга қўйилганининг самараси, деб ўйлайман.

— Умумтаълим муассасаларида амалиётчи психологлар фаолиятини рағбатлантириш, малакасини ошириш йўналишида қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Мазкур мутахассисларнинг шахсий изланувчанлиги ва ташаббускорлигини оширишда уларнинг меҳнатига, саяй-ҳаракатларига муносиб баҳо бериб, ижодий дўстона рақобат муҳитини шакллантириш мўҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, Марказ томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, ўтган йили республикамизда умумтаълим мактабларининг амалиётчи психологлари орасидан илғор, ташаббускор, ижодкорларини аниқлаш, уларнинг ижодий қобилияти, касбий маҳоратини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, муносиб рағбатлантириш ҳамда аниқланган илғор тажрибаларни оммалаштириш ва кенг тарғиб этиш мақсадида “Йилнинг энг яхши мактаб психологи-2013” кўрик-танлови ташкил этилиб, кўтаринки руҳда ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан жами 14 нафар амалиётчи психолог қатнашди. Иштирокчилар яқуний босқич бўйича низомада белгиланган мезонлар асосида янги инновацион технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда ўзларининг педагогик, психологик ва методик билимларини намойиш этишди.

Кўрик-танловда Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги 4-мактаб амалиётчи психологи Замира Сайдинова биринчи, Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманидаги 6-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби амалиётчи психологи Холисхон Маширпоева иккинчи ва Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 1-мактабнинг амалиётчи психо-

Jarayon

логи Дилноза Шертоева учинчи ўринни эгаллади. Жорий йилда мазкур кўрик-танловни олдингиларидан ҳам юқори савияда ўтказиш ниятимиз бор.

— Марказга қарашли tashxis.uz сайтининг айни пайтдаги фаолиятига тўхталсангиз. Жорий йилда битирувчиларни касб-хунарга йўналтиришга доир маълумотлар электрон базасини шакллантириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— 2012 йилнинг февраль ойидан бошлаб Марказ ўзининг расмий (www.tashxis.uz) сайтини ишга туширди. Унинг дизайни ва маълумотлар базаси такомиллаштирилиб, 2013 йил ноябрдан умумтаълим мактаблари 9-синф ўқувчиларининг қайси академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқиш истагида эканликларини аниқлаш мақсадида сўровнома натижаларини интернетга киритиш бўйича электрон дастур фаолияти йўлга қўйилди. У орқали 9-синф битирувчилари ўрта-мактабга ўтказилган сўровнома ҳужжатларини шакллантириш бўйича ариза ва ҳужжатларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаларини чоп эттириб олиш имконияти мавжуд.

Электрон базанинг давомийлигини таъминлаш мақсадида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика таъхис маркази ва ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамкорлигида 9-синф битирувчилари ҳужжатларини қабул қилиш бўйича қўшимча тартиққа онлайн назорат дастури яратилди. Республика миқёсида мавжуд академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун алоҳида шахсий кабинетлар очилиб, тест натижалари ҳамда буйруқ асосида муассасага ҳужжатлари қабул қилинган ўқувчилар ҳақида бевосита маълумотлар шакллантирилади.

Жорий ўқув йилида умумтаълим мактабларининг маълумотлари киритилган “Е-мактаб” электрон дастури икки хил йўналишда яратилди. Чунончи, республикамиздаги барча умумтаълим мактаблари учун Марказнинг расмий веб-сайтида шахсий кабинет яратилган бўлиб, интернет тизими орқали ёки компьютерга ўрнатилдиган махсус дастур орқали унга 1-синфдан 9-синфгача маълумотларни электрон тартибда киритиш ишлари йўлга қўйилди.

Шунингдек, Марказнинг психологга бўлими ҳамда умумтаълим мактаб амалиётчи психологлари билан ҳамкорликда психологик-педагогик таъхис натижаларини ҳисоблаш, ўқувчининг касбга йўналганини таҳлил қилиш, ҳар бир ўқувчининг қобилияти, иқтидори ва истеъдодини аниқлаш пайтида натижаларини ҳисоблаб чиқишга кўп вақт сарфланишини ҳисобга олиб, ўқувчиларнинг касбга йўналганини аниқлаш бўйича методикаларни электрон тартибда ўтказиш бўйича дастур яратилди. Ҳозир ушбу дастур синовдан ўтказилмоқда.

Хайриддин МУРОД суҳбатлашди.

— Жорий йилнинг 1—10

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ Оқдарё педагогика коллежида «Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимида таълим жараёнини такомиллаштириш муаммолари» мавзусида амалий-усlubий конференция ўтказилди.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида коллеж ва Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда институт профессор-ўқитувчилари, тажрибали услубчилар, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси мутахассислари, мактаб ва коллежларнинг чет тили ўқитувчилари қатнашди.

Анжуманда олий ўқув юртлари, вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, умумтаълим мактаблари мутахассис-ўқитувчиларининг юздан ортқи маърузалари тингланди. Шунингдек, чет тили ўқитувчиларининг кўргазмалари дарслари, семинар-тренинглари ўтказилди. Самарқанд давлат чет тиллар институти мутахассислари томонидан яратилган «Чет тилларни ўқитишнинг интенсив-жадал усуллари» ўқув амалиётига таъбиқ этишнинг уч йиллик дастури» муҳокама этилди.

❖ Андижонда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан соғлом бола тарбиясида миллий қадриятларнинг ўрни мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Андижон вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маркази кенгаши, Республика байналмилал маданият маркази, бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда вилоятдаги олий ва ўрта-махсус касб-хунар таълими муассасалари талаба-ёшлари, маҳалла фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва уларнинг бардавомлигини таъминлашда ёш авлод зиммасидаги бурч ва масъулият ҳусусида фикр алмашилди.

❖ Навоий шаҳрида «Адабиётга эътибор — келажакка эътибор» шиори остида китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

«Ўзбекистонбасавдо» акциядорлик компанияси, Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ва вилоят ахборот-кўпубхона маркази ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада 500 номдан ортқи китоблар намойиш этилмоқда.

— Кўргазма Президентимиз раҳнамолигида миллий маънавиятимизни янада бойитиш, бой маданий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътиборнинг амалдаги ифодаси бўлди, — дейди вилоят ахборот-кўпубхона маркази директори Рамазон Ражабов. — 20 апрелга қадар давом этадиган кўргазма доирасида китоблар савдоси ҳам ўтказилаётди. Жойлардаги ахборот-ресурс марказлари китоб фондини бойитишда бундай кўргазмаларнинг аҳамияти катта.

ЎЗА ВА МАХСУС МУХБИРЛАРИМИЗ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ.

Кўрик-танловга янгича ёндашув

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида қатор йиллардан бери ўтказилиб келинаётган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови Навбахор туманидаги 5та касб-хунар коллежида жиддий тайёргарлик билан ўтказилмоқда.

Хусусан, коллежимиз ўқувчилари орасидан саралаб олинган ҳуқуқ фанини пухта эгаллаётган 8 нафар иқтидорли, билимдон йигит-қиз енгил саноат касб-хунар коллежида ўқийдиган тенгқурлари билан баҳслашди. Ўқувчилар анча фаол, давлатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги янгилар ва «Ўзбекистон Республикасида

ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун кучга кирганидан хабардор. Саволлар конституциявий ҳуқуқ ҳамда «Давлат ва ҳуқуқ асослари» доирасида тузилганлиги, ўқувчилар томонидан видеоролик тақдимот қилиниши кўрик-танловга янгича ёндашув пайдо бўлганини кўрсатди.

Ҳақамлар ҳайъати таркиби-га вилоят адлия, ички ишлар, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий кенгаши раҳбарлари киритилди. Фолиблар I, II, III даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Юлдуз БЕКБОЕВА,
Навбахор туманидаги
«Истиқлол» саноат касб-хунар коллежи
ҳуқуқшунослик фани
ўқитувчиси

Биринчи китоб қувончи

Ҳаётдаги илк катта ютук киши хотирасига умрбод мухрланади. Биринчи китоби нашрдан чиққан ёш ижодкор бу санани қалбига жойлайди, ўша кунни энтикиб эслайди.

Ёзувчиларнинг Дўрмон ижод уйида 10 нафар истеъдодли ижодкори «Адиб» нашриётида чоп этилган китоблари билан устозлари, ота-оналари, адиб ва шоирлар қутлашди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида фаолият кўрсатаётган «Ижод» жамғармаси томонидан адабиёт оламига турли жанрлардаги асарлари билан кириб келаётган ёш ижодкорлар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Таъкидлаб ўтганимиздек, жорий йил

да жамғара ҳисобидан «Биринчи китоб» туркуми остида ўн нафар ёш шоир ва адибнинг китоби 10 минг нусхада нашр этилгани аша ну қўллаб-қувватлашнинг яққол тасдиғидир.

Дўрмон ижод уйида биринчи китоби босилиб чиққан ёш қаламкашларни тақдирлаш маросимида Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ва бошқалар Юртбошимизнинг бевосита ғамхўрлиги ва раҳнамолиги билан ёш влодни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг яхлит тизими шаклланигани қайд этиб ўтишди. Қўрсатилаётган эътиборга нисбатан ёшлар муносиб жавоб қайтариши, халқимиз маънавий оламини бойитадиган, ҳаётини ва мазмуни асарлар яратиши лозимлиги таъкидланди.

Хулқар ТҲИМАНОВА

Ғолиблар навбатдаги босқичда

Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидаги академик лицей ва касб-хунар коллежларида «Мен «Соғлом бола йили» Давлат дастурини қандай тушундим?» мавзусида иншолар кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди. Унда пойтахтимиздаги 119та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасидан 324 нафар иқтидорли ўқувчи иштирок этди.

— Танловни ўтказишдан имкониятлардан самарали мақсад ёшларнинг юртимизда олиб борилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, уларга яратилаётган

имкониятлардан самарали фойдаланишга, фаолликка қорлашди, — дейди шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бўлим бош-

лиги Замира Азимбоева. — Бундан аввал «Соғлом бола буюк ишларга қодир», «Маънавият оиладан бошланади», «Оила — жамиятнинг муҳим бўғини» сингари танловларни ўтказиб, иқтидорли ўқувчиларни сараланган эди.

Ғолиблар танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Хайридин МУРОД

Китобга ошно болалар

Таълим-тарбияни замонавий усуллари билан бир қаторда анъанавий усуллар уйғунлигида ташкил этиш юкори самара беради. Буни шахримизнинг Чилонзор туманидаги 181-мактаб мисолида ҳам кўрса бўлади.

Ёш авлоднинг китобга ва илм олишга бўлган меҳрини янада ошириш мақсадида яқинда мактабда «Фарзандимга китоб совға қиламан» шиори остида тадбир ўтказилди.

Ўқувчиларнинг маънавий етук, янада соғ-

лом бўлишини таъминлашдек эзгу мақсадлар кўзланган тадбирда, айнққса, бошланғич синф ўқувчилари ва ота оналари фаол қатнашди. Хар бир ота-она фарзанди учун бир кунини бағишлаб, ўғил-қизларига ёқтирган китобларини совға қилишди.

Болажонлар эса шеър айтиб, қўшиқ ва рақслар ҳамда сахна кўринишлари ижро этиб, китоблардан олган билим ва маҳоратларини намойн этдилар.

Шоира НОРЧАЕВА,
Чилонзор туманидаги 181-мактаб
ўқитувчиси

АХБОРОТ ХАТИ

2014 йил 8—10 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги ПК-2124-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилаган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Дастурда белгиланган вазифаларни бажарилишини таъминлаш, хусусан ёшлар, шу жумладан, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, «Камолот» ЁИХ, Фарғона вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Вояга етмаганларни турли маънавий таҳдидлар ва информацион хуружлардан ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ташкил этилади. Конференция материаллари тўплам сифатида чоп этилиши режалаштирилган.

Конференцияда қуйидаги йўналишлар бўйича масалалар муҳокама этилади:

1. Мамлакатимизда ёшлар орасида ҳуқуқбузарликни ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда уларни қонунга итоаткорлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари.
2. Глобаллашув даврида маънавий таҳдидлар.
3. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши.
4. Хар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда маънавий-маърифий тарбия тизимининг роли.

Илмий мақолалар 2014 йил 10 июнга қадар ташкилий қўмитага тақдим этилиши лозим: Илмий мақолалар матни тўлиқ 3—5 бет ҳажмда электрон ва ёзма равишда топширилиши лозим; Мақола матни Microsoft Word (Word 2000, XP ёки 2003) дастурида (Word 2007—2010дан ташқари) Times New Roman (Ўзбек, рус ёки инглиз тилида), шрифти 14 кегел катталигида; матн 1,5 интервалда, чапдан 30 мм., ўнгдан 15 мм., юқоридан ва пастдан 25 мм. жой қолдирилган ҳолатда бўлиши лозим; мақола мавзуси бош харфларда кўрсатилади, ундан икки қатор пастда муаллифнинг исми ва шарифи бош харфлари ва фамилияси, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозимининг тўлиқ номи кўрсатилади, ундан 2 интервал ташлаб матн келтирилади.

Матн илмий, техник ва стилистик таҳрир қилинган бўлиши лозим. Катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар, иқтидорли талаба ва магистрантларнинг илмий мақолаларига илмий раҳбар (маслаҳатчи) тақриз таъин этилади.

Барча талабаларга жавоб берадиган мақолалар илмий тўпламга киритилди ва ташкилий қўмита томонидан бепул тарзда нашр этилади.

Ташкилий қўмита: Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси.

Тезис матнларини қуйидаги манзилга топширишингизни сўраймиз: manaviyat@mail.uz

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси 36-уй
Масъуллар: Республика Маънавият тарғибот маркази ҳуқуқий тарғибот бўлими етакчи мутахассиси А.Алимов, Миллий ғоя ва мафкура илмий амалий маркази бош мутахассиси О.Бозоров.

Тел: 233-99-76

2014-yil 9-aprel, № 29 (8678)

Олий таълим муассасаларида замон талабларига жавоб бера оладиган, ҳар томонлама етук, рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш асосий вазифа ҳисобланади. Бу жараёнда мустақил таълим алоҳида ўрин тутadi. Чунки ахборот ва билимлар доираси жадал сўрашлар билан ривожланиб бораётган ҳозирги кунда ҳамма маълумотларни фақат ўқув машғулотларида бериб бўлмайди. Айнан шу йўналишда олиб борилган тажриба ва синовлар қўйилган муаммо ва вазифалар бўйича муайян ечимга келиш ҳамда унинг оптимал вариантини танлаш учун керакли бўлган мустақил фикрлаш қўникмаси мустақил ижодий ишлаш жараёнида шаклланиши ва мустақамланиб боришини кўрсатиши.

Мустақил ишлаши натижасида талабанинг ўзига бўлган ишончи ортади, унда мустақил равишда ўрганиш, маълумотларни ўзлаштириш, таҳлил қилиш, умум-

лиши мақсадга мувофиқ", деб қайд этадилар. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори Ж.Толипова талабалар мустақил таълими-

талабада ўз қобилияти ва ақлий имкониятларига ишонч уйғотиши, сабр-тоқат билан, босқичма-босқич мустақил билим олишни тўғри ташкил қилишга ўргатиб бориши лозим бўлади. Талабалар мустақил равишда ўзлаштириши лозим бўлган билимлар, қўникмалар курсдан курсга мураккаблашиб, кенгайиб, бу ишда талабанинг ташаббускорлиги ва роли ошиб боради. Яъни, мустақил таълимда кўника бўлган талаба фақат ўқитувчи томонидан белгиланган ишларни бажарибгина қолмай, эҳтиёжи, қизиқиши ва қобилиятига қараб, ўзи зарур деб ҳисоблаган қўшимча билимларни ҳам мустақил равишда тан-

шириқни бажаришга ижодий ёндашишга, қўйилган вазифани бажаришнинг энг муқобил ечимларини топишга хизмат қиладиган, бир неча муқобил ечимлари бор масалаларни тайёрлашга қаратилмоғи даркор. Айниқса, мутахассисликка оид муаммолар ечимига қаратилган ТМИ топшириқлари мураккаброқ бўлиши зарур. Бу талабадан ўз устида ижодий ишлаш, тегишли маълумотларни излаш, йиғиш ва сақлаш, олинган натижаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, ўз нуктаи назарини ҳимоя қилиш, баҳслашиш, қўйилган муаммо бўйича маълум ечимга келиш ва оптимал вариантни танлаш хусусиятлари, яъни компетентлилик-

Dolzarb mavzu

лардаги электрон ўқув-таълим ресурслари таркибида фанга оид электрон дарслик ва ўқув қўланмалар, кўрсатмалар, машқ ва масалалар тўпламлари, гиперматнлар, мультимедияли воситалар, услубий қўланмалар, электрон тест ва топшириқлар, электрон лугат каби талаба мустақил билим олишни таъминловчи манбаларни яратиш талаб қилинади.

Гулистон давлат университетида талабаларнинг ўқув-таълим ресурсларига бўлган талабларини тўлароқ қондириш мақсадида яратилган ички "Таълим портали"да ахборот ресурслари

ТАЛАБАНИНГ МУСТАҚИЛ ИШИ

унинг эгаллаган билим, қўникма ва малакаларни амалда қўллаш, муаммо ва вазифаларни мустақил ҳал эта олиш лаёқатини ривожлантиради

лаштириш ва хулосалаш каби малакалар шаклланади. Амалдаги таълим йўналишлари давлат таълим стандартларида бақалавнинг тайёргарлик даражасига қўйилган умумий малака талабларида тайёрланаётган кадрлар ўз соҳаси бўйича мустақил қарорларни қабул қила олиши, рақобатбардош касбий тайёргарликка эга бўлиши, ўз ишини илмий асосда ташкил этиши ҳамда мустақил ҳолда ўз билим ва малакасини ошириб бориши каби хусусиятларга эга бўлиши қайд этилган. Шу сабабли талабанинг мустақил таълим олишини режалаштириш, ташкил этиш ва амалга ошириш ҳамда бу борада ўқув-услубий базани бойитиш олий таълим тизими олдидаги асосий вазифалардан бири саналади.

Амалдаги бақалаврият таълим йўналишларининг ўқув режаларида талабанинг ҳафталик ўқув юкласи 54 соат деб белгиланиб, шундан 32 соати аудитория, 22 соати (40,2 %) мустақил таълимга ажратилган. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2005 йил 21 февралдаги буйруғи билан тасдиқланган "Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисидаги низоми"да талаба мустақил иши (ТМИ) моҳияти тўғрисида кўрсатилган. Бошқача қилиб айтганда, ТМИ муайян фандан ўқув дастурида белгиланган, талаба ўзлаштириши лозим бўлган билим, қўникма ва малакаларнинг маълум бир қисми бўлиб, фан ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудиторияда ва аудиториядан ташқарида бақариладиган тизимли фаолиятдир. Олий таълим тизимида ТМИларни ташкил этиш бўйича олимларнинг қарашларида турлича ёндашувлар мавжуд.

Профессор М.Очилов ва Н.Очиловлар "Олий мактаб педагогикаси" дарслигида "Олий мактаб талабасида мустақил таълим олиш малака, қўникмаларини шакллантириш ишлари режалари ва секин-аста мураккаблашиб, юқорилаб борадиган босқичлар шаклида ташкил эти-

ни ташкил этишда ўқув режасига биринчи босқичда ўқитувчининг кўрсатмасига мувофиқ бажариладиган, иккинчи босқичда белгиланган мавзу юзасидан дарс ишланмаларини лойиҳалаш, учинчи босқичда қисман ижодий изланишни талаб этадиган, тўртинчи босқичда ижодий характердаги мустақил ишлар қилиниши таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлайди.

С.Абдалова ва С.Қўлмаматов эса талабанинг мустақил иши ўқитувчининг бевосита иштирокисиз бажарилиши, аммо педагог ва талаба ўртасида алоқа бўлмаса ҳам бу жараёнда қисман педагогнинг таъсири бўлиши, талабаларга топшириқни бажариш усуллари ва мазмунини танлашда эркинлик берилиши ва ишни бажаришда вақт қатъий чегараланмаслигини таъкид қилади.

Олий таълим тизимида мустақил иш ҳар бир фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда турлича ташкил этилиши мумкин. Мустақил иш топшириқлари ёзма, амалий, график ва ижодий характерда бўлади. Талабалар мустақил ишини ташкил қилиш ўқишнинг бошланғич босқичларида қатор қийинчиликлар билан кечади. Айниқса, биринчи курс талабалари ўқишнинг янги шаклига, янгича талабаларга қўникиши қийинроқ. Маълумотларни қайси манбадан, қандай қилиб топиш, уларни таҳлил қилиш, энг зарурларини ажратиб олиш ва тартибга солиш, консептлаштириш, ўз фикрини аниқ ва ёрқин ифодалаш, вақтини тўғри тақсимлаш, ўзининг ақлий ва жисмоний имкониятларини тўғри баҳолаш улар учун катта муаммо бўлади. Энг асосийси, ҳали мустақил таълим олишга руҳан тайёр бўлишмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир профессор-ўқитувчи, аввало,

лаш, ўзлаштиришга ўрганади.

Мустақил иш учун бериладиган топшириқларнинг шакли ва ҳажми, қийинчилик даражаси семестрдан семестрга, талабаларда қўникмалар ҳосил бўлишига мувофиқ равишда ўзгариб, ошиб бориши лозим. Яъни, талабаларни топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашишга ўргатиб бориш керак. Шу сабабли ТМИ топшириқлари режалаштириётганда I босқичда ўқитувчи назорати остида ўрганилган мавзуларга мос ўқув манбалари билан ишлаш, масалаларни ечиш, маълум топшириқларни бажариш, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик кўриб келиш, журнал ва газеталардан мавзуга оид материалларни тўплаш, уйга берилган вазифаларни бажариш талабада шахс сифатида масъуллини тарбиялашга хизмат қилади. II босқичда эса замонавий ахборот технологияларига асосланган вазифаларни топшириш, талабани ўз ишини таҳлил қилишга ўргатиш, ўз фикрини ҳимоя қила олиш қўникмаларини шакллантиришга қаратилмоғи лозим. Бу босқичда махсус таълим порталларига жойлаштирилган электрон таълим ресурслари (асосий ва қўшимча ўқув адабиётлари, қўшимча ахборот ресурслари, масала ва машқлар, фандан муаммоли вазиятлар тўплами, махсус дастурлар, диссертациялар, ахборотлар банки ва ҳ.к.) талабалар мустақил ишларини талаб даражасида ташкил қилишга замин яратади ҳамда уларда керакли ахборотларни излаш, топиш, сақлаш ва фойдалана олиш амалий қўникмаларини шакллантиради.

III-IV босқичларда ТМИ топшириқлари мазмун-моҳияти талабаларда мустақил фикрлаш қўникмаларини тўлиқ шакллантиришга, топ-

нинг шаклланишига хизмат қилади.

Олий таълим тизими учун бўлажак мутахассиснинг компетентлигини таъминлаш низомида муҳим масала саналади. Чунки бўлажак мутахассиснинг ишлаб чиқаришда фаолият юритиши унинг компетентлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Кўп йиллик кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, "компетентлик" тушунчаси шахснинг касбий ва шахсий хусусиятлари бўлиб, эгаллаган билим, қўникма ва малакаларини амалиётда қўллаш олиши ҳамда қўйилган муаммо ва вазифаларни мустақил ҳал қилиш лаёқати-га эга эканлиги билан тавсифланади.

Компетентлиқни шакллантиришда асосий ўринни талабалар мустақил ишлари эгаллайди. Чунки бўлажак мутахассис фақат билим ва қўникмага эга бўлибгина қолмай, уни амалда қўллаш олиш талаб қилинади. Бунга эса таълим жараёнида талабаларни муаммоли топшириқ ва вазифаларни мустақил ҳолда ҳал қилишга ўргатиш орқали эришиш мумкин.

Мустақил иш турлари ва шакллари танлашда "оддийдан — мураккабга", "умумийликдан — аниқ муаммоли ҳал қилиш" тамойилларига амал қилиш талаб қилинади. Талабаларга берилаётган мустақил иш топшириқлари табақалаштирилган ҳолда 4 хил ўзлаштириш даражасида (англаш (билиш), репродуктив, продуктив ва ижодий) тайёрланиши мақсадга мувофиқдир. ТМИ топшириқларини бажариш учун махсус методик тавсиялар ишлаб чиқилиши ва талабалар тўлиқ таъминланиши шарт. Акс ҳолда унинг самарадорлиги юқори бўлмайди.

Мустақил ишнинг самарадорлиги олий таълим муассасасида талабаларга яратилган шароитга кўп жиҳатдан боғлиқ. Айниқса, АРМ-

таълим йўналишлари ва курслар бўйича тизимли ҳолда жойлаштирилиб, унда фанлар кесимида электрон дарслиқлар, ўқув қўланмалар, ўқув-методик мажмуалар, маърузалар ва қўшимча материаллар бўлимлари ташкил қилинган. Қўшимча материаллар ўз таркибида мустақил иш топшириқларини бажариш бўйича кўрсатмалар, лаборатория ишланмалари, авторефератлар, илмий мақолалар, методик кўрсатмалар, назорат материаллари, мультимедияли воситалар, битирув-малакавий ишлари, фанга оид рефератлар, диссертациялар ҳамда оммавий ахборот воситалари ва илмий журналларда эълон қилинган хабарлар, мақола ва очерклари сақлайди. Порталда жойлаштирилган ахборот ресурслари ҳажми 180 гб. дан ошиқроқ бўлиб, ҳозирги кунда ушбу портал университети профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабалари учун хизмат қилиши билан бирга, ўрта махсус, касб-ҳунар, умумий ўрта таълим муассасалари педагоглари ҳамда малака ошириш маркази тингловчилари учун ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Республикада ягона электрон ўқув-услубий ахборот маконини яратиш устидан олиб борилаётган ишлар, таълим олишнинг интеллектуал тизимлари асосида ўқув жараёнини ташкиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар талабаларнинг таълим ресурсларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ва мустақил ишларини янада самаралироқ ташкил этишга хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, олий таълим муассасаларида замон талабига жавоб бера оладиган, рақобатбардош, қўйилган муаммони мустақил ҳал қила олиш лаёқати эга бўлган ҳар томонлама етук, компетентли мутахассислар тайёрланишига муносиб ҳисса қўшади.

Ҳазратқул ҚАШИБОВ,
Гулистон давлат университети профессори,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Узлуксиз таълим тизимида юз минглаб педагоглар меҳнат қилади. Педагоглик мураккаб касблардан бири бўлгани боис, уларнинг барчаси етарлича педагогик қобилиятга эга, дейиш қийин. Бундай шароитда таълим муассасасининг ҳар бир битирувчисини давлат таълим стандартлари талабига жавоб берадиган мутахассислар этиб тайёрлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида бу масала педагогик ва ахборот технологиялари, тайёргарликнинг модуль тизимидан фойда-

Ta'kid

дастурлар ўзгарувчанлиги ва мослашувчанлигини таъминлаш;
— ўқитишни индивидуаллаштириш;

— амалий фаолиятга ўргатиш, ўқитиш самарадорлигини назорат қилиш;
— касбга қизиқтириш асосида фаоллаштириш, мустақил ўқитиш имкониятларини тўла рўйбга чиқариш.

Модулли ўқитиш самарадорлиги таълим муассасасининг моддий-техник базаси, малякали профессор-ўқитувчилар таркиби, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси, кутилади-

МОДУЛЛИ ТАЪЛИМ

ўқувчини мустақил ўқишга йўналтиради

ланган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштириш асосида ҳал этилиши кўрсатилган.

Модулли ўқитиш таълимнинг истиқболли йўналишларидан бири бўлиб, ўқувчиларнинг билим, имкониятлари ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга асосланади. Шунингдек, модуль фаолиятининг фундаментал тушунчаларини — маълум ҳодиса, қонуният ёки маълум бир йирикрок мавзу ва ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳини ўз ичига олади.

Модулли ўқитиш касбий таълимнинг қуйдаги замонавий масалаларини ҳал этиш имкониятини яратди:

— модулли фаолият асосида таълим мазмунини оптималлаштириш ва тизимга солиш,

ган натижалар, дидактик материалларнинг ишлаб чиқиши, модулар натижаси ва таҳлили каби омилларга боғлиқ,

Бу таълим технологиясининг афзаллиги шундаки, модулли ўрганиш, ўзлаштириш жараёнида ўқувчилар мустақил ишларни ўзларежаалаштириб, бажаришади. Шунингдек, текшириб баҳолаш асосида меҳнат хавфсизлигининг техникавий, ҳуқуқий, экологик жиҳатларига эътибор қаратиш ҳам айнан талабалар томонидан амалга оширилади.

Хуришда НОРПУЛОВА,
Термиз давлат университети ўқитувчиси,
Шерзод СУЮНОВ,
талаба

ОБОД МАКТАБ

унда соғлом болалар вояга етади

Мактабда боланинг энг беғубор дамлари кечади. Шу боис таълим масканида боланинг нафақат билим эгаллаши, балки соғлом ривожланиши учун ҳам зарур шарт-шароитларни яратишимиз керак. Бухоро туманидаги 29-мактабда шу тамойилга амал қилинади.

Ҳафтанинг ҳар шанба кунини Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланганидек, тозалик тадбирлари юқори савияда ўтказилади. Ҳар бир синфда тозалик гуруҳлари тузилган. Мазкур гуруҳ ўқувчиларнинг кийиниши, соч ва тирноқлар парвариши, юриш-туриши, ўзини тутишини кузатиб боради. Синфда ҳам озодалик сақланишига бош-қош бўлади. Ҳар ойнинг охириги душанбасида тозалик гуруҳлари фаолияти таҳлил этилиб, пешқадам жамоалар мактаб маъмурияти томонидан раббатлантирилади.

Билим масканида ўғил болалардан тузилган "Тозалик химоячилари гуруҳи" ҳам иш олиб бораёпти. Улар Расул Кўламов раҳбарлигида мактаб ҳудудининг тозаллигини назоратга олади. Гуруҳ фаолиятини ҳафтада бир марта ўқитувчилардан иборат комиссия кўриб чиқади. Ижобий жиҳатлар эътироф этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинади.

— Мактабимиз 2013 йили капитал реконструкция қилинди, — дейди директор Дилфуза Мустафоева. — Кўламазорлаштириш, ободонлаштириш масаласига бу йил жиддий эътибор қаратдик. 50 туп арча, 400 дан зиёд тол ва терак қаламчалари эдик. 120 тупга яқин хурмо, гилос, шафтоли, ўрик наҳлларидадан бог барпо эдик. Мактаб фойеси ва синф хоналари ноёб гуллар билан безатилди. Биология ўқитув-

чиси Зулфия Аслонова раҳбарлигида "Ораста қизлар" тўғараги аъзолари 100 хил хонаки гуллардан кўпайтирилди.

Саломатликнинг яна бир муҳим омили спорт бўлгани боис, мактабда ушбу йўналишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Стол тенниси, волейбол, енгил атлетика тўғарақлари фаолияти йўлга қўйилиб, 50 фоиз қиз болалар жалб этилди. Ҳудуддаги 23-БЎСМ билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг 12 нафари бокс, 58 нафари футбол, 14 нафари юнон-рум кураши билан мунтазам шуғулланиб, бир қатор ютуқларга эришиб келмоқда. Яқинда 4-синф ўқувчиси Азимжон Шероф юнон-рум кураши бўйича вилоят биринчилигида олтин медални қўлга киритди.

Сора ТОШЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

ДИЛГА СОЛАР БАТАН ТҮЙҒУСИН...

Шеърят... Унда қандай сир борки, кўнглиларни ларзага солади? Шеър бу — ижодкорнинг қалбида жўш урган ҳис-туйғулар, кечинмалар, ғалаёнлар инъикосидир. Бу туғёнлардан шоирнинг ўзи куйса, ўзи қувонсагина, ёзган сатрлари ўқувчини ҳам сеҳрлаб олади.

Мухаммад Юсуфнинг ҳар қандай мавзудаги шеърини ўқисангиз, тилга кўчолмай юрган туйғуларингиз ифодасини топасиз. Айниқса, шоирнинг Ватан ҳақидаги мисралари кўнглингизга она юрт ишқини солади:

**Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин,
Ё худбинман ё бир содда касман мен:
Парижнинг энг гўзал ресторанларин,
Битта тандирингга алишмасман мен.**

Шоир она юртнинг ҳар гиёҳу ҳасини ҳам Ватандан айро билмайди, бир сиқим тупроғини ҳам дунёларга алишмайди. Бундай содда-самимий ифодалар ижодкор кўнглидаги муҳаббат туйғуларини тўғридан-тўғри ўқувчи қалбига кўчиради. Мухаммад Юсуф учун Ва-

тан ва халқ тушунчалари доим чамбарчас келади:

**Сен Хўжандсан,
Чингизларга
Дарбозасин очмаган,
Темур Малик орқасидан
Сирдарёга сакраган.
Муқдассан қораҳи
Оловларга сачраган,
Широқларни кўрган чўпон,
Чўлигимсан, Ватаним.**

Бундай сатрларни тинглар эканмиз, юрагимизнинг туб-тубидаги ҳам афсус-надомат, ҳам ифтихор, ҳам ғурур туйғулари юзага балкиб чиқиб, кўзимиздаги ёшда намоён бўлади. Шу маънода Мухаммад Юсуф шеърини минглаб дилларга Ватан туйғусини солаверади, ёш авлодни ҳақиқий ватанпарвар этиб тарбиялашда биз муаллимларга яқин кўмакчи бўлиб қолаверади.

Нилуфар КЕНЖАЕВА,
Қарши шаҳридаги 27-мактаб ўқувчиси

BOSHLANG'ICH TA'LIMDA AKTDAN FOYDALANISH

darslarning qiziqarliligi va samaradorligini oshiradi

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining kirib kelishi ta'lim jarayonining yanada sifatli tashkil etilishiga ko'maklashmoqda. Ayniqsa, boshlang'ich ta'limda ulardan mohirona foydalanish juda muhim.

1-sinfda savodxonlik davridayoq barcha didaktik materiallar slaydlar orqali namoyish etilsa, o'rganilayotgan harflar bilan boshlanadigan so'zlar, o'yinlar bolaga ko'rsatilib o'rgatilsa, bu, albatta, o'zining ijobiy samarasini bermay qolmaydi.



Masalan J j harfi o'rgatilayotganda bosma va yozma shakllari qanday bo'lishi -ja; -jo; -ji; -ju; -aj; -oj; -ij; -uj, bo'g'inlar slayd orqali beriladi.

Ushbu harf bilan boshlanuvchi so'zlar yonida uning rasmi ham berilishi maqsadga muvofiq.

Jo'-ja (rasmi), jo'm-rak (rasmi), aj-dar (rasmi).

Ushbu harf alifboda nechanchi o'rinda turibdi, u qachon sirg'aluvchi, qachon portlovchi tovush berishi ham namoyish etilishi mumkin.

Xuddi shu mavzu yuzasidan kelib chiqsak, yozuv darsida J j harflarining yozma shakli, uni qanday yozish, daftar nechta gradus qiyalikda joylashishi, o'quvchining ruchkani ushlashi, gavdasini tutishi slayd orqali namoyish etiladi. Har xil bo'g'inlar va ulardan so'zlar hosil qilib yozishlari ham mumkin.

1-sinflarda Atrofimizdagi olam, Matematika, Odobnoma, Jismoniy tarbiya darslarida ham axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan samarali foydalanish mumkin.

2-sinf ona tili darsligida berilgan 29-darsni kompyuter orqali tashkil qilib ko'raylik. Barcha mashqlarni slayd orqali ko'rsatib, unga mos rasmlar ko'rgazmalarni namoyish etib borish mumkin.

Ushbu darslikdagi 1-mashqda na'matak o'simligi haqida qisqacha ma'lumot berilgan. Ijodkor o'qituvchi o'simlik rasmini va u haqida qo'shimcha ma'lumotlarni slayd orqali ko'rsatadi.

Darslikdagi 2-mashqda hadisdan olingan "Nonni e'zozlanglar" hikmatli gapi berilgan. O'qituvchi o'quvchilarga hadis nimaligini tushuntirib, nima uchun nonni e'zozlash haqida savol-javob uyushtiradi. Javoblarni umumlashtirib, slayd orqali keng dala; unda dehqonlar tomonidan bug'doy sepilishi; sug'orish; bug'doy pishgan vaqti; uning kombayn va odamlar tomonidan qo'lda o'rib olinayotgani; tegirmonlardan un holda chiqarilayotgani; buvijonu onajonlarnimiz xamir qorib, shirmoy nonlar yopayotganigacha bo'lgan jarayonni ko'rsatishi mumkin. Shu orqali o'quvchilar bug'doyning bizga "non" bo'lib kelishigacha qanchadan-qancha insonlarning mehnati singishini aniq tasavvur qiladilar.

Boshlang'ich sinflarda barcha fanlar va mavzularda axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish maqsadga muvofiq. Bu esa har bir o'qituvchining mahorati va kompyuter savodxonligiga bog'liq.

Gulnora ISOQOVA,
Jizzax VPKQTMOI
"Maktabgacha va boshlang'ich ta'lim"
kafedrasi mudiri,

Nilufar RAHMONBERDIYEVA,
Jizzax tumanidagi 36-maktabning
boshlang'ich sinf o'qituvchisi

...Рушана Рустамова бу йил Кармана саноат касб-хунар коллежини тугатиш арафасида. Энди ўн саккиз ёшни қаршиляпти. Эртага нима билан шуғулланиши, беш-ўн йилдан сўнг қандай муваффақиятларга эришиши мумкин-у, бунинг учун ишни нимадан бошлаш кераклигини жуда яхши билади. Энг муҳими, у ширин ўй-хаёл суриб, фақат орзулар осмонидан парвоз қилаётгани йўқ. Олдида катта мақсадларни қўйиб, интилишига таянч бўлувчи билим, амалий кўникма, ўзига ишонч, имконият ва сармо-яга эга! Бугун қишлоқларимизнинг кун сайин обод бўлиб бораётгани, бир-биридан шинам, қулай ту-раржой бинолари қад ростлаётгани, хусусан, ўзи ҳам замонавий таълим масканида тахсил олаётгани Рушананинг келажака ишончи мустаҳкамланиб, ниятлари рўйбга чиқишида қанот бўлмоқда.

— Қишлоқ ҳаётини яхши кўраман, — дейди Рушана Рустамова. — Шу боис кўпдан буён чорвачилик билан шуғулланиб, тадбиркорлик йўналишида иш олиб боришни олдимга мақсад қилганман. Бо-лалигимда телевизорда чорва молларини парваришлаш, со-ғишдан тортиб сут-қатиқ мах-сулотларини ишлаб чиқариш-гача бўлган жараёнлар техни-ка ёрдамида олиб борилиб, компьютерлар орқали бажа-рилаётганини кўрсатишса, ҳавасим келарди. Шукрки, бу технологиялар айна пайтда биз учун ҳам янгилик бўлмай қолди. Кармана саноат касб-хунар коллежида «Компьютер ва компьютер тизимларини созлаш ва тайёрлаш техниги» мутахассислиги бўйича тахсил олар эканман, қишлоғимизда чорвачиликни ривожланти-

онам ишларимизни йўлга қўйишимиз учун кўмаклашиб, қўлаб-қувватлашларини бил-дириб, ҳовлимиз этагидаги ўн икки сотих еримизга қорамол учун бостирма, оғилхона қур-диришимиз мумкинлигини ай-тишди. Шундан сўнг тадбир-корлик фаолияти билан шу-ғулланиш мақсадида «Алоқа-банк»нинг Навоий филиалига имтиёзли кредит берилиши-ни сўраб мурожаат қилдик ва бу масала ижобий ҳал этилди.

— Маҳалламизда «Ўзгаллик уйи» ташкил этиш лойиҳаси

Milliy dastur — amalda

Бундай давраларга боришдан олдин қиз-жувонларимиз кўпинча шаҳарлардаги пардоз-хоналарга қатнашади. Айниқса, никоҳ базмига ҳозирлик учун бўлажак келинчаклар соатлаб вақт сарфлашади. Йўл босиб кутишлар... Ҳаётдаги энг гўзал дамлар хотирада бир умр мух-рланиб қоладиган кундаги бун-дай оворагарчилик баъзида уларни асабийлаштиради, чар-чатади ҳам. Хуллас, ўрганиш,

изланишларим қишлоғимизда ана шу йўналишдаги тадбир-корликни ривожлантиришга асос бўлди.

— Бир пайтлар имтиёзли кре-дит эгаси бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермасди, — дейди коллеж директори Шухрат Абду-рахимов. — Айни кунда эса ти-жорат банкларининг ўзи ана шу таклиф билан ёшларга мурожа-ат қилапти. Бу йил муассаса-мизни 530 нафар йигит-қиз ўн икки йўналиш бўйича тугатаёт-ган бўлса, улардан 162 нафари келажада яқна тартибда фаоли-ят юритиш учун кредит олиш ис-тагини билдирган. Ўтган йили 752 нафар ўқувчи шу даргоҳ тах-силдан сўнг мустақил ҳаётга йўлланма олган эди. Айни кун-да уларнинг 90,8 фоизи доимий иш ўрнига эга. Йигирма саккиз нафари турли олий даргоҳлар-да ўқишни давом эттирмоқда...

Ҳа, мақсаднинг аниқ ва тўғри, имконияту шароитлар атрофлича назарда тутилган тарзда қўйилиши инсон ум-рининг куч-қувват ва орзу-интилишларга тўла ёшлик фас-ли бой берилмаслиги, аксинча, келажақ учун замин яра-тувчи даврга айланишини таъминлайди. Биз биргина кол-леж ҳаёти мисолида шунга амин бўлдик. Дарвоқе, вило-ят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бош му-тахассиси Акрам Аҳадов берган маълумотларга кўра, бу йил ҳудуддаги касб-хунар коллежларини битираётган икки мингга яқин йигит-қизларга 9 миллиард етти юз миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиши режа-лаштирилган...

Ойбуви ОЧИЛОВА,
«Ma'rifat» муҳбири

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

Ўқувчиларга бизнес режаларини ҳаётга татбиқ этиш имконини берапти

риш, наслдор қорамоллар со-нини кўпайтириб, сўнгра сут ва сут махсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйишни ўз олдимга мақсад қилдим. Ал-батта, чорва молларини пар-варишларнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида тахсил олаётган акам Аслид-дин Рустамов билан келажақ-даги режаларим хусусида мас-лаҳатлашдим. Биргаликда уйи-миздаги шарт-шароитни об-дон ўрганиб, имкониятлари-мизни чамалаб чиқдик. Ота-

асосида мен ҳам ана шундай имкониятни қўлга киритдим, — дея суҳбатга қўшилади шу дар-гоҳ ўқувчиси Гулбаҳор Сахато-ва. — Бу жараёнга икки йил давомиди тайёргарлик кўрдим. Билим даргоҳида таълим олиш билан бирга моҳир устозлар этагини маҳкам тутиб сарта-рошлик ҳунарини эгалладим. Дугоналарим, қўни-қўшнила-римиз хизматини қилиб, мала-камни оширдим. Шунинг ба-робарида ёшлар эҳтиёжини ўргандим. Биласиз, қишлоғи-мизда кунора тўй, маърака.

Касб-хунар коллежлари битирувчи-ларининг бандлигини таъминлаш ва мутахассисликлари бўйича ишга жой-лаштириш мақсадида ҳокимликлар ҳамда таълим муассасалари ҳамкорли-гида кенг кўламли ишлар амалга оши-риб келинмоқда. Мазкур чора-тадбир-лар доирасида битирувчиларга ишга жойлашганлиги тўғрисидаги сертифи-катлар тақдим қилинаётгани кичик му-тахассисларнинг қафолатланган иш ўринларига эга бўлиши ҳамда эртан-ги кунига ишончи ошишига хизмат қилмоқда.

БАНДЛИК — МУҲИМ МАСАЛА

Самарқанд енгил саноат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежида шаҳар ҳокимлиги вакиллари иштирокида бўлиб ўтган тад-бирда ҳам битирувчиларга тантанали ра-вишда ана шундай сертификатлар топши-рилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар битирувчилар-ни иш билан таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб қилиш, фаолиятини қўлаб-қув-ватлаш ва ривожлантириш мақсадида ҳуку-матимиз томонидан яратилган улкан имко-ният ва имтиёزلардан унумли фойдаланиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтишди. Ёшларга пухта бизнес режа тузишлари учун ҳар томонлама кўмак бериш ҳамда ота-оналарнинг иштироки ва фаоллигини яна-да ошириш зарурлиги таъкидланди.

— Коллежизмизни бу йил 285 нафар йигит-қиз битиради, — дейди коллеж ди-ректорининг касбий таълим бўйича ўрин-босари Шухрат Толибов. — Шундай экан, бугунги куннинг асосий масаласи улар-ни малакали кадр қилиб етиштириш ва албатта, бандлигини таъминлаш ҳисобла-нади. Бу борада ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Эътиборли жиҳати, битирувчиларнинг асосий қисми ўз эгал-лаган соҳалари бўйича ишлаш хоҳишини билдириб, мутахассислиги бўйича шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази томони-дан таклиф қилинаётган ҳамда бевосита ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўта-ган корхона ва ташкилотларга ишга жой-лаштирилмоқда.

ҲАКИМ ЖўРАЕВ,
«Ma'rifat» муҳбири



БИЛИМНИ МУСТАҲКАМЛАШ ИМКОНИЯТИ



Қорақалпоғистон Республикаси Беруний енгил саноат касб-хунар коллежида мингдан зиёд йигит-қиз тикув ва трикотаж буюм-ларини бичиш-тикиш, пайвандлаш жиҳозлари механи-ги, радио-техника ва телеаппаратуралар-ни таъмирлаш, компьютер ва компьютер тармоқларини созлаш, бухгалтерия ҳисоби каби ўнга яқин мутахассислик бўйича билим ол-моқда.

Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтла-рини самарали ўтказиши учун умумтаълим фанла-ри ва хунарамандчи-лик бўйича ўндан зиёд, спорт йўнали-шида олти тўгарак ташкил этилган.

Суратларда:
коллеж ўқувчиси
Нилуфар Исмоило-
ва иш устида.
Ўқитувчи Навбаҳор
Абдуллаева ўқув-
чилар Шоҳсанам
Башарова ва Дил-
бар Худойберге-
нова билан.

М.ҲАБИБУЛЛАЕВ
(ЎЗА) олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Ўзбекистон Республикаси Вази­рлар Маҳкамасининг жо­рий йил 20 февралдаги “Қаш­қадарё вилоятининг Шахрисабз шаҳрида объек­тларни куриш ва реконструкция қилишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан бошланган курилиш ишларида мажмуа­нинг ландшафт дизайнига ало­ҳида эътибор қаратилмокда, — дейди вилоят архитектура ва курилиш бошқармаси бошлиғи Шўхрат Қурбонов. — Рекон­струкция қилинаётган хиёбонда турфа ранг фавворалар, мўъжаз айвончалар барпо эти­лади. Жумладан, мажмуа атро­фида шаҳар аҳолиси ва сайёҳ­ларга хизмат кўрсатадиган 18 янги объект курилиб, мавжуд­лари реконструкция қилинади. Инак йўли кўчасидаги “Кулол-

СОҲИБҚИРОН УЛҒАЙГАН ЮРТ

лик” чойхонаси, Чорсу бозори ва бошқа тарихий ёдгорлик­ларда қайта тиклаш ишлари амалга оширилади.

Қарорда замонавий кўп қаватли уйлар, янги маҳалла гу­зарлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, исти­роҳат боғлари ва хиёбонлар курилиши, мавжудларнинг реконструкция қилиниши кўзда тутилган. Жумладан, Инак йўли кўчасидаги “Наврўз” маданият ва истироҳат боғида 2014—2016 йилларда 1 миллиард сўмлик реконструкция ишлари амалга оширилади. Амир Те­мур майдонида жойлашган ма­даният ва санъат саройида ре­конструкция ишлари жорий йил нихоясига етказилади.

Шаҳарнинг тарихий-архи­текту­рарий ва туризм салохия­тини ҳар томонлама ривожлан­тириш мақсадига тарихий оби­даларни реставрация қилишга алоҳида эътибор қаратилмок­да. Жумладан, “Коба” карвон-

саройи, “Чубин” мадрасаси, Кунчиқар масжиди, Ховузи Мардон, Кундузак, “Молик Аж­дар” масжидлари, “Абдушукр оғалик” мадрасаси таъмирла­ниб, ҳунармандчилик марказ­лари ташкил этилади.

— Президентимиз раҳнамо­лигида яратилаётган шароит ва имкониятлардан фойдаланиб, ҳунармандчилик цехи очқди, — дейди ҳунарманд Саодат Низо­мова. — Ироқи дўппи, каштадў­злик маҳсулотлари тайёрлай­миз. Кашталарда турли ранг­ларда акс этган нақшлар, гео­метрик безаклар ўзаро уйғун­лашиб, ажиб бир гўзаллик касб этади. Нақшли палак, чойшаб, келинчак ёпинчқлари, дастур­хон, парда, дастурмо­л, нимча, кўйлак ва сўзачалар анъанавий бадийий санъатнинг гўзал наму­налари бўлиб, қадимий қадри­ятларимиздандир. Маҳсулот­ларимиз харидорлари орасида

хорижлик сайёҳлар кўпчиликини ташкил этади.

Айни кунларда Соҳибқирон номи билан юритиладиган май­дон худуди ва амфитеатр атро­фи­га манзарали дарахт ва гул­лар экилмокда. Амир Темур ҳай­кали атрофида 72 замонавий ёр­тиш усунаси ўрнатилди. Майдон йўлаклар ва ҳайкал пой­идаги гранит ва мрамар плиткалар алмаштирилди. Йўлакларга 5,5 минг квадрат метр безакли қоплама ётқизи­либ, сувуркагичлар ўрнатиш ва уларни майдондаги сўғориш тизимига улаш ишлари нихоя­сига етказилмокда.

Давлатимиз раҳбарининг та­шаббуси билан 1996 йилда май­доннинг ўртасида қад ростла­ган буюк бобокалонимизнинг салобатли ҳайкали биз, авлод­ларига йўл кўрсатаётгандек гўё...

Ўлмас БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири

ҲАМИША БАРҲАЁТ СИЙМО

Қашқадарёда Амир Темур таваллудининг 678 йиллиги му­носабати билан Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг комил инсон тарбиясидаги ўрни мавзусида илмий-амалий конфе­ренция бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги ва Халқаро Амир Темур жамғармаси ҳамкорли­гида ташкил этилган тадбирда вилоятдаги олий ўқув юр­тлари про­фессор-ўқитувчилари, тарихчи олимлар, ёш тадқиқотчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Анжуманда “Мустақиллик йилларида Амир Темур ва темурийлар дав­ри тарихининг тадқиқ этилиши”, “Араб манбаларида Амир Темур сиймоси”, “Соҳибқироннинг оилавий ҳаёти” мавзуларида маъруза­лар тингланди. Бутун мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини таъ­минлаш, ёшларни jisмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш борасидаги ислохотлар Амир Темур тутумларига моҳиятан уйғун келиши таъкидланди.

— Истиклол йилларида Амир Темур мероси бутун инсониятнинг маърифий бойлиғи экани тан олинди, — дейди Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Нозим Ҳабибуллаев. — Президентимиз таъкидла­ганидек, Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш — ўз­лигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улғулаш — тарих қазыига чуқур илдиш отган томирла­римизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажаги­мизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Анжуманда Амир Темур ва темурийлар ҳақидаги араб ва форс манбаларини тарҳима қилиш ва изоҳлар бўлиш чоп этиш, мазкур тарихий асарларни кенг ўқув-ҳаққ олмасига йўнал­лаб на­шрга тайёрлаш, “Амир Темур йўллари бўйлаб” лойиҳаси асосида экспеди­ция ташкил қилиш каби тақлифлар билдирилди.

Тадбирда Қашқадарё вилояти ҳокими З.Рўзиев сўзга чиқди.

Ў.БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири

9-aprel — Amir Temur tavallud topgan kun

ОЗАРБОЙЖОН АДИБИ МУҲРАСИ

Қондош-қардош халқлар ўзбек-озарбойжоннинг маданий алоқалари кўп-асрлик тарихга эгадир. Истиқлол даврида эса у янги ва юксак поғонага кўтарилди. Буюк давлат арбоби ва беназир саркарда Соҳибқирон Амир Темур шахсияти ва фаолиятига қизиқиш бутун жаҳонда бўлгани каби тур­кий республикаларда, айниқса, беҳад кучайди. Аслида, бу ҳол ўрта асрлар­дан бери давом этиб келмокда. Амир Темур ҳақида кўплаб тадқиқотлар, янги-янги романлар яратилиб, эълон қилинмокда.

Озарбойжон бу соҳада етакчи мавқелар­дан бирини эгаллаб келмокда. Ўтган ас­рининг биринчи чорағида буюк озарбойжон драматурги Ҳусайн Жовид тарафидан «Амир Темур» драмаси ёзилди. Озарбойжонда саҳнага қўйилиб, катта муваффақият қозон­ди. Муаллифни қатағонга дучор қилган са­баблардан бири бўлса-да, адабиёт тарихи­да боқий қолди. Ўша пайтлардаёқ Тош­кент саҳналарида қўйишга ҳозирлик қўрил­ганига қарамай, собиқ шўролар сиёсати бунга имкон бермади. Истиқлол даврида драма Ўзбекистон театрларида ўзбек тили­да намойиш этилиб, зўр қизиқиш билан томосха қилинди. Бу асардан сўнг ҳам Озарбойжонда давр сал имкон бериши билан Соҳибқирон ҳақида муттасил тад­қиқотлар, ҳужжатли ва бадийий фильмлар яратиб келинди.

Шуниси қувонарлики, бу асарларда ўзбек халқининг умумтўркий тарихидаги етакчи ўрни ва мақоми эътироф этилади. Озарбойжон зёиёларининг Соҳибқирон шахсиятига алоҳида меҳр қўйиб келиш­гани беҳиз эмас. Бир пайтлари Жалолид­дин Мангуберди Ҳиндистондан Фарба бор­гач, Шимолий Эрон ва Озарбойжонда қисқа муддатда давлат қуриб бўлса-да, унинг тараққиётига хизмат қилиб кетгани­дек, Амир Темур бу соҳада анада каттароқ ишларни амалга оширди. Озарбойжонда­ги мўғуллар бузиб ташлаган қадимий Бай­лақон каналини тиклаб, қурғоқчиликда ётган катта худудларга зилот сув келти­рилди. Бу худудда аҳоли жуда тез кўпа­йиб, фаровон ҳаёт кечира бошлади. Со­ҳибқирон ўзига тобеликни ихтиёрый ра-

вишда тан олган шоҳ Иброҳим Дарбандий­ни ўз тахтида қолдириб, у билан гўё ўғли каби доимо яхши муносабатда бўлди. Озарбойжон шимолдан Олтин Ўрда, жа­нубдан Миср томонидан бўлиб турадиган доимий босқинлардан халос бўлиб, тинч ва осойишта мамлакатга айлан­ди.

Яқинда Озарбойжонда Амир Темур ҳақида роман яратилди. Асар навқирон адиб Юнус Ўғуз қаламига мансуб бўлиб, шоир Усмон Кўчқор тарафидан тарҳима қилинди ва 2013 йили Озарбойжон элчи­хонаси ёрдамида Тош­кентда «Янги аср авлоди» нашриётида беш минг нусхада нашр этилди. Роман нашридан сўнг унинг муаллифи Ўзбекистонга ташриф буюрди, Озарбойжоннинг Ўзбекистондаги маданият ваколатхонасининг муҳташам зали­да озолаб ўзбек ва озарбойжон эълиплари иш­тирокида китоб тақдими ва бошқа тадбир­лар ўтказилди.

Юнус Ўғуз бугунги кунда Озарбойжон­нинг йирик адибларидан бири бўлиб, унинг бир неча йирик тарихий романлари жаҳоннинг турли тилларига тарҳима қилин­ган.

Ёзувчи Юнус Ўғзунинг икки китобдан иборат «Амир Темур» романи улуг Соҳиб­қирон сиймосини бадийий тарзда яратишга бағишланган. Муаллиф ўша давр тарихи­ни, Соҳибқиронга тобе бўлган кўплаб ўлка­лар тарихий географиясини чуқур ўрганиб чиққани мутолаа жараёнида яққол сезила­ди.

Бош қаҳрамон Амир Темур образи их­лосу эътиром, катта бадийий маҳорат билан яратилган. Унинг улуг давлат арбоби­га хос донишмандлиги, мулоҳазақорлиги,

— Тушундим, ё Соҳибқирон. — Аммо овозида ишончсизлик бор эди. Шу боис Амирни алдашни истамди. — Худо ҳақки, чиндан ҳам, ҳеч нарсани тушунмадим, Улуғ Амир. Қорнинг остидан юриб бўладими?

— Аскарлар қор устида юра ол­маётир дедимми? Сардор боя айтганларини тас­диқлади.

— Шундоқ, ё Соҳибқирон, ор­тик илти­райли олмайдими? — Ҳўш, қорнинг қилинлиги на қалар?

Хуфия сардори ҳўқмдорнинг бу саволидан ҳеч нарса тушунмади. — Икки одам бўйидан ҳам ба­ландроқ.


Ўртага тушган сукунати Те­мурнинг гулдурак овози бузди. У қатъий қарорга келиб бўлган эди. — Қорнинг устидан юра ол­масалар, остидан юрсинлар! Сардор ҳеч нимани тушунма­ди. Хира нигоҳларини Амирга ти­кади минимидир англамоқчи бўлди. Унинг бу сўзларидан ҳеч нарса­ни идрок этмади: «Қанақасига қор остидан юриш мумкин? Шуна­қаси ҳам бўладими?».

Темур сардорнинг қиров қўнган қошлари остида олазарак бўлган қўзларидан у ҳеч нарсани англамаганини ҳис этди. — Тушунмадинг, шекилли? Хуфия сардори уйқудан уйғо­ниб кетгандек бўлди. Ўзига келиб шахд билан жавоб қайтарди:

раиятпарварлиги, ўз фикрини сафдош­лари ва бошқаларга ўқтиришда беназир но­тиқлиги, ҳақ қилиш ва оғир сафар ма­шаққатлари, энгилмагани билан ўз аскарларига намуна бўлган — шунчаки куруқ таърифу тавсифлар шаклида эмас, балки фаолиятидаги реал тадбирлар во­ситасида ёритилди.

Муқаддимада Соҳибқироннинг бош мақ­сади Туронни бутун куч-қудрати билан тик­лаш, Ипак йўлининг асосий қисми Турон худуди орқали ўтишига эришиш эканлиги таъкидланади. Амир Темурнинг невараси Халил Султон ва озарбойжонлик асир қиз Латофат(Шодимулк) муҳаббати романга лиризм бахш этади. Асарда қардош халқ­лар — ўзбек-озарбойжон дўстлиғи қадимий илдизларга ега эканлиги ўз ифодаси­ни топган. Юнус Ўғуз ўша давр маънавий-маданий ҳаёти ҳақида ҳам имкон қадар маълумотлар келтиради. Улуғ озарбойжон шоири Сайид Имо­диддин Насимий сиймо­си романдаги энг эсда қоладиган образ­лардан биридир. Муаллиф Амир Темурнинг жаҳонгирлик мақсади билан йирик ҳар­бий юри. ларини кел. тиб чиқарган са­баблар ҳақида тарих фани илмий ҳуло­саларига асосланган ўз тақлиқини беради.

Бадийий асар сифатида роман айрим кам­чиликлардан холи эмас. Муаллиф го­ятда кўп воқеаларни қамраб олишга интилниги сабабиди айрим ўринларда баёнчилик кучайиб кетган. Романда тарихий манбалар маълумотлари билан айрим номувофиқ­ликлар учрайди. Масалан, оқ на­ма­тага солиб кўтарилган шахс Темур эмас, балки чингизий хон Суюрғатмишдир. Амир Те­мур бу тадбирни чуқур мулоҳазалар билан, яъни ўша даврда аҳоли орасида «Хон Чингизхон авлодидан бўлиши керак» де­ган фикр кенг ёйилгани учун тахту тож та­лабидидаги кўпсонли чингизийларни Турон тахтига қўз олайтиришдан бир қадар тий­иб туриш учун амалга оширган. Суюрғат­мишнинг ўғли Султон Маҳмудхон вафоти­дан сўнг энди эҳтиёж қолмагани учун у бош­қа хон кўтармаган. Албатта, бадийий асар-



да тарихий манбаларга тўла мувофиқ бўлиши талаб этиш ноўрин. Ёзувчи ман­балар маълумотларидан ўз ижодий мақса­ди­га хизмат қиладиганларини танлаб олишга, баъзи ўзгартишлар киритиб, ба­дийий тақлиқ этишга ҳақлидир.

Романинг иккинчи китобида Соҳибқироннинг сўнгги етти йиллик юриши, усмо­нийлар императори султон Йилдирим Боязид билан уруши тафсилотлари баён қилинади. Муаллиф бу худудларни жуда яхши билган киши сифатида ҳикоя қилади. Асарда ўрта асрлардаги энг йирик жанглар­дан бири бўлмиш — машҳур Анкара жанги­нинг ёрқин манзараси чизилган. Амир Те­мур ўз фаолиятидаги хал қилувчи жанглар­дан сўнггисида ғалабага эришиш учун қан­чалик пухта тайёргарлик қўргани, шиддат­ли жанг пайтида буюк матонат зоҳир этиб, порлоқ зафар қўчгани ишонарли тарзда акс эттирилган.

Ғулм КАРИМИЙ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Куйида Юнус Ўғзунинг «Амир Темур» романидан парча ўқийсиз.

— Тушундим, ё Соҳибқирон. — Аммо овозида ишончсизлик бор эди. Шу боис Амирни алдашни истамди. — Худо ҳақки, чиндан ҳам, ҳеч нарсани тушунмадим, Улуғ Амир. Қорнинг остидан юриб бўладими?

— Аскарлар қор устида юра ол­маётир дедимми? Сардор боя айтганларини тас­диқлади.

— Шундоқ, ё Соҳибқирон, ор­тик илти­райли олмайдими? — Ҳўш, қорнинг қилинлиги на қалар?

Хуфия сардори ҳўқмдорнинг бу саволидан ҳеч нарса тушунмади. — Икки одам бўйидан ҳам ба­ландроқ.

Ўртага тушган сукунати Те­мурнинг гулдурак овози бузди. У қатъий қарорга келиб бўлган эди. — Қорнинг устидан юра ол­масалар, остидан юрсинлар! Сардор ҳеч нимани тушунма­ди. Хира нигоҳларини Амирга ти­кади минимидир англамоқчи бўлди. Унинг бу сўзларидан ҳеч нарса­ни идрок этмади: «Қанақасига қор остидан юриш мумкин? Шуна­қаси ҳам бўладими?».

Темур сардорнинг қиров қўнган қошлари остида олазарак бўлган қўзларидан у ҳеч нарсани англамаганини ҳис этди. — Тушунмадинг, шекилли? Хуфия сардори уйқудан уйғо­ниб кетгандек бўлди. Ўзига келиб шахд билан жавоб қайтарди:

— Тушундим, ё Соҳибқирон. — Аммо овозида ишончсизлик бор эди. Шу боис Амирни алдашни истамди. — Худо ҳақки, чиндан ҳам, ҳеч нарсани тушунмадим, Улуғ Амир. Қорнинг остидан юриб бўладими?

Темурнинг бутун эли ва кўпроқ давлатни... то­лиқтирган ҳарбий сафарларидан кейин ўлкада тинч­лик сақланган, ўз қўллари остидаги диёрларда мўл-кўлчиликни, тинчликни таъминлаш учун экинчилик­ни, иқтисодий ҳаётни яхшилаш кераклигини, бунинг йўллари­ни билишган, албатта.

Темур замонида курилиш ишларида эътибор бериб, боғ­лар ва бинолар бунёд этилиб, янги шаҳарлар курилиб, экин­чилик эсдан чиқарилмагани ҳам табиийдир. Шарафиддин Али Яз­лийнинг «Зафарнома»сида ёзи­лишича, Темур ўлкадаги экин ерларининг бир парчаси ҳам бўш қолиши мумкин эмас, де­ган фикрда бўлган. Шу мақсадда юришларга эгаланган ўлкалар­да экинчиликни биладиган ай­рим гуруҳларни кўчириб келтир­ган. У замонгача очилмаган баъ­зи қўриқларни очтириб, кўп ер-

янгиларини очишга алоҳида эътибор берилди. Мурғоб дарё­сидан қазилган Марв ариғининг бузилган қисмларини тузатиш, Марвни янгидан қуриш ишла­ри амир Алиақа Кўкалош, амир Муса ва амир Али Чаго­линига топширилган эди. Улар оз бир муддатда бу вазифани адо эт­дилар. Биринчи йил бу ерда беш жуфт ҳўқиз қўшга қўшилиб, да­лала ишлатилди, деҳқончилик бошлаб юборилди. Кейин атроф­дан одамлар кўчириб келтирил­ди. Марв сувининг узунлиги Аламдор қопусигача ўн икки

ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА БУНЁДҚОРЛИК

ларни ўзлаштиришни ташкил этган. Жуда кўп ариқлар, канал­лар очтирган...

Янги экин ерлари яратиш мақсадида Темур ўлканинг бир неча ерида каналлар қазидирил­ди. У 1381 йили Хуросонни ол­гач, бу ерда экинчиликни жон­лантириш учун давлатнинг улуг­ларига Мурғоб дарёсидан ариқ­лар ва каналлар очтиришни амр этган. У янги сувларга ариқ оч­тирганларнинг номи берилган бўлиб, тарихчи Ҳофиз Абру­нинг ёзишича, улардан йигир­матаси хотиндир. Зотан, канал­лардан бири Кутлуг Хотун оти билан аталган. У Темурнинг 1383 йили ўлган қизқардоши Кутлуг Туркан Оғадир.

Озарбойжонда ҳам Арас (Ораз) дарёсининг Жангчи Қўши дейилган еридан бошлаб Қизилқўприккача ўн фарсах узунлиқдаги дарё қаздирилди. Бунга Темурнинг уруғи номи — Барлос оти берилди. Барлос дарёсида ҳатто кемалар ҳам суза оларди. Бу дарёнинг оқиши бир неча майдонларда янги экин ерлари очишга имкон яратди. Озарбойжондаги Байлақон шаҳ­ри кўпдан бери харобилиб бора­мокда эди, уни янгидан жон­лаштириш, кўкаламзорлашти­риш учун Арасдан Байлақонга ўн газ кенгликда, олти фарсах узунлиқда бир канал қаздирил­ди. Қобул шаҳри яқинида ҳам беш фарсах узунлиқдаги Янгиа­риқ очилди ва баъзи қишлоқлар­ни, кўплаб экин ерларини су­ғоришда катта ёрдам берди.

Янги ариқлар, каналларнинг қазилиши шаҳарларнинг янги­дан жонланишига, кенгайиши­га олиб келди. Бу ишлар Шохрўх даврида ҳам давом этди. Шохрўх 1410 йили Бодғисга борганида, айтиб ўтганимиздек, мўғул и­сти­лосидан кейин харобилишиб қолган Марвни янгидан қуриш­ни буюрди. Ҳўқмдор бутун Ху­росонда қурилишни авж оли­штириш истарди. Унинг амри билан ўлкадаги йўллар тузалди, кўприклар янгиланди, янгила­ри қурилди. Айниқса, ҳар на­р­манинг ривож учун шарт бўлган сув йўллари­ни кенгайтириш,

фарсах: баландлиги беш газ; дарё бошланишида кенлиги йи­л­гирма газ, охири қисмлари ўн икки газ атрофида қазилди. Ша­ҳарда масжид, бозор, ҳаммом, карвонсарой, мадраса ва бошқа хайрли қурилишлар амалга оши­рилиб, эски пайтлардаги каби иқтисодий ва маданий ҳаёт жон­ланти кетди. Тўғри, янги Марв эскисидан, мўғуллар босқинида бузилган Марв кентидан анча кичик эди. Муиниддин Муҳаммад Замчи Исфаҳорининг 1494 йили тугатган асарига ёзилишича, Мурғоб дарёси ва Марв атрофи­да деҳқончилик жуда ривожлан­ган; пахта, шол, бугдой мўл­қўл этиштирилган, қисқаси, ҳу­сусан, Ҳирот халқининг ейдиган, киядигани шу ердан чиқ­қан. Даладан бирга юз ҳосил қўшиқ дейилган еридан бошлаб Кўзилқўприккача ўн фарсах узунлиқдаги дарё қаздирилди. Бунга Темурнинг уруғи номи — Барлос оти берилди. Барлос дарёсида ҳатто кемалар ҳам суза оларди. Бу дарёнинг оқиши бир неча майдонларда янги экин ерлари очишга имкон яратди. Озарбойжондаги Байлақон шаҳ­ри кўпдан бери харобилиб бора­мокда эди, уни янгидан жон­лаштириш, кўкаламзорлашти­риш учун Арасдан Байлақонга ўн газ кенгликда, олти фарсах узунлиқда бир канал қаздирил­ди. Қобул шаҳри яқинида ҳам беш фарсах узунлиқдаги Янгиа­риқ очилди ва баъзи қишлоқлар­ни, кўплаб экин ерларини су­ғоришда катта ёрдам берди.

Ҳусайн Бойқаро даврида Ис­физор атрофидаги барча тупроқ­лар экин экиладиган ҳосилдор ерларга айлантирилгани, ариқ­лар очилиб, ҳар тарафга сувлар чиқарилгани, эл деҳқончили­кка қаттиқ берилгани маълумдир. Масалан, Мурғобдан Марви Шохжаҳонгача ўттиз фарсах­лик, Сарахсдан Марвгача йигир­ма беш фарсахлик ер ўзлашти­рилиб, суғорила бошлаган, ҳосилга кирган.

Ўша даврда мевалардан Самарқанднинг узум ва олмаси, Бухоронинг ўрик ва қовуни, Ко­булнинг иссиқ иқлимда емиш­ларидан пўртахол, турунж ва шакарқамиши, Ғазнининг рўян­ни, Ҳирот ёнидаги Сибёушлар қишлоғининг узуми, Бодғиснинг пишласи, Шибирғоннинг қову­ни, Мурғобнинг гуручи, Марв­нинг дон-дун, пахтаси ва қову­ни, Астрободнинг пўртахоли, лимуси ва турунжи, Фараҳнинг бутдойи, Яздининг шакарқамиши жуда машҳур бўлган.

Давлатшоҳ таъкиротида Улуғ­бек солиқларни қамайтиргани, одил ҳўқмрон экани тўғрисида фикр юритиб, тўрт эшак юки ҳосил чиқадиган бир жарбик билан ердан 2/3 дйрхам мис ёки 1/6 дйрхам қумул шикли олингани­ни таъкидларкан, бу энг оз ер солиғи эканини, бу имкондан фойдаланган деҳқонлар ҳаёти анча яхшиланиганини сўзлайди...

дан кейин одамлар Шохрўхнинг бир содиқ қароли бор эди, Мисрда ер сотиб олиб, у ерни яшнатганди, деб юрсинлар деб бу ишни қилдим», дея жавоб берган.

Аҳмад бинни Ҳусайннинг ёзишича, Язд эли бахтли, севи­н­чи ҳаёт кечиришган. Ривожла­ниш юксак бир савияга кўтари­лган қишлоқдагилар ўз иш­ини қилган, юрт оғалари билан ҳал этадиган бир иши чиқмаган: этиштирган пахта, дон-дун, мева-чеваларини от ва туяларга ор­тиб, шаҳардаги бозорларга келтириб сотганлар; ипакли ки­йимлар кийишган, дала­ларда мўл-қўл тўқилган дон-дунларни еб семирган паррандаю қушлар­ни ейишган; ёшлар ўйнаб-ку­лишган, беҳавотир, ўз ҳоллари­ча яшайверишган.

Самарқанд шаҳридаги Катта сўғ ерларини суғоридиган Мир-

ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА БУНЁДҚОРЛИК

ларни ўзлаштиришни ташкил этган. Жуда кўп ариқлар, канал­лар очтирган...

Янги экин ерлари яратиш мақсадида Темур ўлканинг бир неча ерида каналлар қазидирил­ди. У 1381 йили Хуросонни ол­гач, бу ерда экинчиликни жон­лантириш учун давлатнинг улуг­ларига Мурғоб дарёсидан ариқ­лар ва каналлар очтиришни амр этган. У янги сувларга ариқ оч­тирганларнинг номи берилган бўлиб, тарихчи Ҳофиз Абру­нинг ёзишича, улардан йигир­матаси хотиндир. Зотан, канал­лардан бири Кутлуг Хотун оти билан аталган. У Темурнинг 1383 йили ўлган қизқардоши Кутлуг Туркан Оғадир.

Озарбойжонда ҳам Арас (Ораз) дарёсининг Жангчи Қўши дейилган еридан бошлаб Қизилқўприккача ўн фарсах узунлиқдаги дарё қаздирилди. Бунга Темурнинг уруғи номи — Барлос оти берилди. Барлос дарёсида ҳатто кемалар ҳам суза оларди. Бу дарёнинг оқиши бир неча майдонларда янги экин ерлари очишга имкон яратди. Озарбойжондаги Байлақон шаҳ­ри кўпдан бери харобилиб бора­мокда эди, уни янгидан жон­лаштириш, кўкаламзорлашти­риш учун Арасдан Байлақонга ўн газ кенгликда, олти фарсах узунлиқда бир канал қаздирил­ди. Қобул шаҳри яқинида ҳам беш фарсах узунлиқдаги Янгиа­риқ очилди ва баъзи қишлоқлар­ни, кўплаб экин ерларини су­ғоришда катта ёрдам берди.

Янги ариқлар, каналларнинг қазилиши шаҳарларнинг янги­дан жонланишига, кенгайиши­га олиб келди. Бу ишлар Шохрўх даврида ҳам давом этди. Шохрўх 1410 йили Бодғисга борганида, айтиб ўтганимиздек, мўғул и­сти­лосидан кейин харобилишиб қолган Марвни янгидан қуриш­ни буюрди. Ҳўқмдор бутун Ху­росонда қурилишни авж оли­штириш истарди. Унинг амри билан ўлкадаги йўллар тузалди, кўприклар янгиланди, янгила­ри қурилди. Айниқса, ҳар на­р­манинг ривож учун шарт бўлган сув йўллари­ни кенгайтириш,

(«Буюк Темур давлати»
(«Чўлпон», 1996) китобида.)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.)

Мунофиқлар шиори

Вайронкор гоё — бунёдкор гоёларга зид, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган гоё. У жамиятни тубанликка етаклайди. Одамларни ғаразли ва қабих мақсадларга ундайди. Жамиятни қарама-қарши қутбларга ажратиб, бўлиб ташлашга сабаб бўлади. Халқлар ва миллий давлатларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этиб, ўз иқтисодий-сиёсий манфаатларини ўзгалар ҳисобига қондиришни кўзлайди.

Президентимизнинг **"Бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун "эркинлик ва демократияни олға силжитиш"**

БОЛАМ БАХТЛИ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

никоби остида амалга ошираётган, узокни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, англаш катта аҳамият касб этади", деб айтган фикрлари ёдингиздами? "Эркинлик ва демократияни олға силжитиш" деган ибора нега қўштирноқ орасига олинган, деб ўйлаб кўрганмисиз? Бу бежиз эмас. Чунки:

биринчидан, айрим қудратли давлатларнинг муайян мамлакатларни иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан ўзига тобе қилиши;

иккинчидан, муайян ривожланиб келаётган ёш давлатлар ва ҳудудларнинг ер ости ҳамда ер усти бойликлариغا эгаллик қилиш;

учинчидан, айрим минтақалардаги тинч ҳаётни издан чиқариш;

тўртинчидан, ҳокимият тепасига айнан қудратли давлатларнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларни келтириш ("Юксак маънавият — энгилмас куч" асаридан).

Бир сўз билан айтганда, "эркинлик ва демократияни олға силжитиш" никобидаги таҳдиднинг мақсади — мустақил давлатни ўзга бир давлатга қарама қилишдир.

"Эркинлик ва демократияни олға силжитиш" ғоясининг зарарли моҳиятини дарҳол англаб олиш қийин. Чунки бу иш баландпарвоз ваъдалар ва жаннатдагидек ҳаёт қуриб бериш ваъдалари билан никобланиб, амалга оширилади. Аникроғи:

1) Муайян давлат узлуксиз ва изчил равишда халқаро миқёсда йиллаб танқид қилиб борилади.

2) Мустақил давлатнинг раҳбарияти асоссиз равишда демократияни ҳуш кўрмасликда айблаб борилади.

3) Мустақил давлат фуқароларидан манфаатпараст, Ватан туйғусидан бебаҳра, унинг тақдирига дахлдор

бўлмаган кишилар топилиб, ўзларига тарафдор одамлар гуруҳи сифатида шакллантирилади.

4) Бойликка ўч ва мансабпараст, сотқин кимсалар бундай ғаразли сиёсий кучларга хизмат қила бошлайди. Улар арзимас масалаларни ҳам йирик муаммо сифатида кўрсатишиб, айоханнос солишади.

5) Шароит етилгач, тўс-тўполон кўтариб, ҳокимиятга ўз манфаатларига хизмат қилувчи кимсалар келтирилади. Шундай қилиб, мустақил давлат мустамлакага айлантирилади.

Уларга нимани қарши қўйса бўлади? Бу саволга жавоб "Юксак маънавият — энгилмас куч" китобида бор. Президентимиз Исрол Каримов: **"Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган ҳу-**

ружларга нимани қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуг аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқеалигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшاشи зарур, деб жавоб берган бўлардим", деган.

Вайронкор гоёлар инсон маънавиятига қандай таъсир кўрсатмоқда?

— товуш билан;
— нутқ билан;
— маълумотни сохталаштириб;

— чалғитиб;
— манипуляция;
— миш-миш тарқатиб;

— онгни нейролингвистик дастурлаштириб;

— шовқин-сурон билан таъсир кўрсатиб;

— психотроп моддалар қўллаб;

— физиологик таъсир кўрсатиш (парҳез, оздириш, семиртириш, ичкиликбозликка ўргатиш);

— биоэнергия билан таъсир кўрсатиш (гипноз ва ҳоказо).

Булардан мақсад:

— итоат қилдириш;
— заифлаштириш;
— ўз халқи, Ватанига лоялд қилиш;

— эгаллаш.

Хуллас, болангизнинг:

— хулқ-атворини бузиш;
— асаб касалига дучор қилиш;

— руҳий хасталикка олиб келиш;

— руҳиятини айнитиш;
— мақсадини ўзгартириш;

— мутаассиблаштириш.

Ота-оналар! Огоҳ бўлайлик!

(Давоми бор.)

Мухаммад КУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори,
профессор

СЕН ДУНЁНИ АНГЛА, ЎҚУВЧИМ...

Оқшом чўкди дегунча, аччиққина кўк чойни ҳўлаб, қадрдон газетамизни варақлайман. Очиғини айтганда, кундуз кунлари вақтнинг қандай ўтганини ҳам билмай қолади киши. Мактабимиз азим тоғларга туташ адирикнинг шундоққина лабиди, сўлим бир масканда жойлашган. Бу ердан қишлоқ қафсдек кўринади. Ҳар кун эрталаб мактаб остонасидан ҳатлаб ўтишдан аввал, ҳов Қорасувининг нариги томонидида дўппайиб турган тепаликларга кўзим тушади. Бунда устозларим, аждодларим, жигарларим мангу қўним топган. Илоҳо, ўзи эл-юрт олдидида юзмини қора қилмасин, дейман ўйга толиб. Негаки, эрта бир кун жон қуши танини тарқ этганда ўшал азизларим қошига ёруғ юз ила боришни ўйлайман. Илк маротаба қўлимдан ушлаб, алифбо ўргатган устозимнинг нузли чехраси, бирин-кетин сафимизни торайтирган марҳум синфдошларим, шўх-шаён кўнларимиз, жонажон мактаб бағрида жўшиб илм ўрганган олов ёшлигимиз ёдимга тушади. Ҳа, умр жуда тез ўтапти...

Мана, ораста кийинган ўқувчилар мактабга шоша-яптилар. Бу ёшларнинг чехрасини зимдан, сездирмай, зўр қониқиш билан томоша қилишни ёқтираман. Чунки мана шу масъум нигоҳлар, камолот остонасида ҳамроҳ тутинган олижаноб туйғулар бир умр инсон руҳига йўлчи юлдуз бўлади. Қайта ва қайта ана ўша даврларни кўмсаб, тириклик ташвиши боис хийла толиққан қалбимизни аллалайсиз. Бейхитиёр, агарчи бирор юмушингиз бўлмаса ҳам, аста пийдалаб мактаб атрофида ҳаёлчан кезинасиз.

Гоҳида узоқдан мактабга ҳорғин нигоҳ ташлаб турган собиқ ўқувчимни кўриб қоламан. Биламан, у ҳозир ўзлигини, шошиб-шошилиб ўтиб кетган беғубор болалигини эсламоқда. Қўлларидан етаклаб, ҳар тонг ўқишга ташлаб кетган муштирап онаизорини ўйлаб, соғинч ҳисларига эрк бергиси келган. Бундай пайтлари одам ўзига сигмай

Оу

қолади. Чаппар уриб гуллаётган ҳаёт дарахтининг қай бир ковакларидан туриб, руҳи-равонига азоб бераётган оғриқларига беун чора излайди...

Дераза ортидан бу манзарага боқиб, мана шу дақиқа бир лаҳзада фарзандимдай азиз бўлиб қолган шогирдимга тасалли бергим, елкасидан тутиб, хол-ахволини сўрагим келади. Аммо уни ўз ҳаёллари билан ёлғиз қолдириш маъқул туюлади. Боиси, "Йўқ, домла, ўзим бир айланиб юрувдим" ёки бўлмаса "Бир жўрам билан кўришмоқчи эдим, кутиб турибман", дея синиқ жилмайиб, нам тортиган енгини яширишга уринган ўқувчиларим олдидида ноқулай алфозда қоламан. Чунки туйғуларини ҳаммиса қалб кўрида, тўрида сақлашга ўрганган эркак зоти, баъзан мана шундай баланд ҳислар тафтида яйрагиси,

кўнгил галаёнларини, юрак ҳовурини босмоққа иложми, илнжми ахтаргиси келади. Гузарда шахмат суриб, бозорда гангур-гунгур мол таллашиб, қирда кетмон қолиб, яйловда от чоптириб, тўй-ҳашамларда дўпписига шапатлаб-шапатлаб ўйинга тушадиган соддадил бўз йигит, алп йигит жонажон мухитини — даласидай, боласидай азиз бир масканини ана шундай соғинади. Мактаб — бугун таълим олаётган кўзлари чанқок, билимга чанқок ёшларнинг сеvimли маскани, шунинг баробарида, бир вақтлар айни жойда катта ҳаётга қадам ташлаган минглаб собиқ ўқувчиларнинг ҳам муқаддас ошёнидир.

Дарсда савол назари билан қараб турган ўқувчи эртага олим бўлади, йўлдоши ҳайрат бўлган уятчан йигит бир кун олов мисралар битади, мактабимиз фахрига айланади.

Баҳор нафаси гуркираб, борлиқ қайта ўйонаётган бу лазиз дамларда тинчлик ва осойишталик учун шукрона айта дарсга шошаман: кўнғироқ чалинди, кунлик сабоқларнинг биринчиси бошланди...

Ҳей, дўстим, шогирд-ўқувчим, қаерда бўлсанг ҳам, омон бўл! Мактаб сабоқлари, ўша кўнғироқ содолари бу кун сенинг болангнинг қалбиди келажак орзусини аланга олдираётир! Бу сабоқлар ҳеч вақт тугамайди!

Ўрмонжон ҚОБУЛОВ,
Чортоқ туманидаги
34-мактаб директори

ЖАЖЖИ БИЛИМДОНЛАР ИШТИЁҚИ



Икки минга яқин ўқувчи таҳсил олаётган Наманган шаҳридаги 34-умумтаълим мактабидида инглиз тилини ўқитиш намунали йўлга қўйилган.

Инглиз тили фанидан таълим бераётган ўнга яқин ўқитувчи орасида Дилрабо Каримованинг алоҳида ўрни бор. 1-синф ўқувчиларига хорижий тилни ўргатишда у замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланади. "Kids' English" дарслиги асосида ҳар бир машғулоти эртак қаҳрамонларининг сурати ва қўғирчоқлар иштирокида олиб боради. Бу болаларнинг инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқиши, иштиёқини тобора оширмоқда.

Суратда: Наманган шаҳридаги 34-умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси Дилрабо Каримова ўқувчилари билан машғулотида.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

2014-yil 9-aprel, № 29 (8678)

Халқ оғзаки ижодиининг ҳар бир жанрида асрлардан бери барҳайт яшаб келаётган қадриятларимиз ҳақида сўз боради. Қадимий аъёналаримиздан бири — меҳмон-дўстлик шакли эъза манбалардан бўлган Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони лугатит-турк» асарида эҳтиром билан таърифланган. Мазкур девонда меҳмондўстлик ҳақида сўз юритилар экан, «Ума (меҳмон) келса, қут келир», дея қитобхон эзгуликка ундалади. Бундан кўринадик, меҳмондорчилик қадим-қадимдан қон-қонимизга сингиб кетган аъёналар сирасига киради.

ҚАДИМГИ АЪНАНАГА СОДИҚЛИК

Чиндан ҳам хоҳ ўтмишда, хоҳ бугунги кунимиз мисолида олиб қарайдиган бўлсак, ўзбек халқининг меҳмондўстлигига оид тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қўлпа аъёналар, ибратли урф-одатларга дуч келамиз. Ўзбекистоннинг қайси ҳудудида борманг, меҳмон иззат-икром билан қутиб олиниб, унга уйининг тўридан жой берилади, хуш калом айтилиб, тансиқ таом тайёрланади. Уй соҳиблари томонидан меҳмонга кўрсатилаётган бундай иззат-икром фарзандларга ҳам ибрат бўлади.

Жаҳжи қизалоқларнинг «хала-хала», «меҳмон-меҳмон» уйинларини қулатганмисиз? Ҳарнинг уйга келган «меҳмон»ни катталардек виқор билан қутиб олиши, елим идишда онасидан яширинча олиб чиққан турли ноз-неъматларни дастурхонга қўйиши хайратингизни оширади. Бу ҳолат, аслида меҳмонга бориш ва меҳмондорчилик фақат катталар амал қиладиган бурч ёки фазилат эмас, балки болажонлар учун ҳам тарбия воситаларидан бири эканлигини бизга яна бир қара эслатгандек бўлади.

Мутахассисларнинг фикрича, боладаги ilk салбий одатларни меҳмонга борганда ёки унга тенгқурлари келса, кўпроқ илғаш мумкин экан. Хўш, болажонларни меҳмонга олиб боришининг салбий ва ижобий жиҳатлари қандай?

Лайло Тойирова, психолог:

— Болада характер темпераменти йиллар давомида секин-асталик билан шаклланиб бориши барчага аён. Аввало, ота-она фарзанди билан меҳмондорчиликка бораётганда, уни хонадон эгалари нима муносабат билан тақдир қилгани, у ерда қимлар бўлиши мумкинлигидан болани огоҳ этиши, ўзини қандай тутиши бўйича йўл-йўриқ бериши лозим. Ёш хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш фойдадан холи бўлмайди. Тадқиқотлар шуни исботлайдики, бола ўз ёшига, яъни ундаги ўзига-ўзи баҳо бериш, ахборотни таҳлил этиш, ўз фикрини ижтимоий ҳаётда ифода қилиш қобилияти шаклланишга қадар меҳмондорчиликка олиб боришга маъқул. Беш-олти ёшларда эса болага маълум бир чекловларни қўллаш тавсия этилади. Бу даврга келиб болалар қизиқувчан, ўзига ва ўзгаларга талабчан бўлиб, айрим вазиятларда кўнгилсизликларга сабабчи бўлиб қолиши мумкин.

Фақат болалар учун уюштирилган махсус зиёфатларга эса истисно тариқасида 13-14 ёшдан кейин юбуриси мақсадга мувофиқдир. Бу ёшгача болага аталган тантана — тутилган кун ва бошқа зиёфатларни фақат оила даврасида нишонлаш керак. Шунингдек, ота-онаси наздида ҳар доим мўймин-қобил бола меҳмонга борганда қулоқсиз, бетгачпар болага айланади. Хали меҳмон одоби, маданиятини тўлиқ эгалламаган бола дастурхондаги ноз-неъматларни «паҳқос тушириш»

пайга тушади. Бундай вазиятларда меҳмонлик ва меҳмонлик вазифасидаги катталар, унда хали ўз нафси ва эҳтиёжини чеклаш хислати шаклланимаганлигини эътиборга олиши ва тадрижий равишда тарбиявий ишларни олиб бориши лозим. Бу жуда катта айб эмас. Вақти келиб, бола ўз нафсини жиловлай биладиган ёшга етса, ота-онасини ҳеч қандай хижолатга қўймайди.

БОЛАНИНГ ОРАСИГА ТУШМАНГ

Ўзбек халқ эпоси — «Алпомиш» дostonида Ҳакимбек ва

БОЛАЖОН БИЛАН МЕҲМОНГА БОРИШ...

унинг ижобий ва салбий жиҳатлари борми?

Бойбўрининг инсоний фазилатлар хусусидаги мазмунли суҳбати бор: болалик чоғида китоб мутолаа қилаётган ўғлидан отаси Бойбўри қандай мазмунли китоб ўқийётганини сўрайди. Алпомиш жавоб беради: «Вақт-бевақт бировниқига бир меҳмон келса, отини ушлаб, жой бор бўлса, кўнглини хушлаб жўнатса, бу одам сахийдир. Меҳмондорчилик эса бизлар учун энг сахий хислатлардан биридир...». Қарангки, 40 дан ортқ варианты бизгача етиб келган мазкур дostonда бу эпизод бир хил ҳолатда келтирилган. Нима учун? Негаки, асар қаҳрамонлари тилидан берилган бу диалогда ўзбек халқининг меҳмонга нисбатан илқ муносабати чуқур ифодаланган. Бу замон ўзгарса-да, миллатга хос ақлу тафаккур ўз қиймати йўқотмаслигига бир ишорадир. Ахборот технологиялари асрида воғга етаётган болажонлар меҳмоннавозлик ва меҳмонлиқнинг тартиб-қоидаларидан қай даражада хабардор?

Дилноза Умирова, Асака шаҳридаги 25-мактаб ўқувчиси:

— Ўқинда саккиз яшар фарзандим билан қариндошимизнинг уйига меҳмонга бордик. Меҳмоннинг ўғлим тенги фарзанди бор эди. Аввалига, улар яхши чиқишиб, ўйинчоқларга кўмилишди. Орадан ярим соатлар ўтган, зумрашларнинг бақир-қақри эшитилди. Ҳовлиқчи хонага кирсақ, қоғоз «самолёт»нинг бўлаклари полда сочилиб ётар, ўртада икки «пахлавон» муштлашиб, бақирди... биз ўй бекаси билан уларни муроцага келтириб қўйдик.

Истаймизми-йўқми, бундай ҳолат баъзан болалар ўртасида тақорланиб туради. Шу қаби вазиятларда катталарнинг «ким айбдор» эканлигини аниқлашга ҳаракат қилиши кичкинтойлар ўртасидаги муносабатни янада чигаллаштириши мумкин. Бола одатда

тенгқури билан тезда ярашиб олади. Ўртоғи билан жанжаллашиб қолган болани ширинлик билан қалғитишга ҳаракат қилган маъқул. Ҳар қандай вазиятда ҳам ота-она бошқаларни айбдор санамаслиги ёки «меҳмон бола ён босса бўлади», дея фикрламаслиги керак. Илоҳи борича она ўзини хотиржам тутиб, тарозининг икки палласига болаларни тенг қўйсин. Бундай ечим боланинг тасодифий қийинчиликларга чидамли, ўз камчиликларини тўлақонли қўра оладиган бўлиб воғга етишида муҳим роль ўйнайди...

Навбахор Умирова, психология фанлари номзоди:

— Болаларнинг ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган, лекин самимиятга бурканган дунёси қаршисида биз катталар қўлчанча лол қоламиз. Она учун фарзанд ҳар нарсадан азий, лекин унинг ижобий хулқ-атвори бора-бора мукамаллик касб этишига катталар шарт-шароит яратиши лозим. Бугунги меҳмон бола эртага бошқа ерда меҳмон бўлади, шу са-

панд-насихатлар ҳар қайси оила муҳитида янгиланаверади. Аждодларимизнинг фарзанд тарбиясига оид таълимотлари орқали болани ҳаётга мослаштириш, унга яхши-ёмонни, оқ-қорани ўқтириб бориш бўйича жуда кўп маълумотларга эга бўламиз.

«ОЙЖОН, МЕН ЗЕРИКДИМ...»

Она қизалоғини дўғоналаридан бирининг тутилган кўнига олиб келди. Жаҳжи меҳмон жуда хурсанд, даврада ҳамманинг эътибори унга қаратилган. Бирови унинг неча ёшдалигини, яна қимдир қиймларни жуда ярашганини айтиб мақтарди. Қизалоқ катталарнинг ҳар бир саволига болаларча жавоб қайтарар, уларнинг мақтовидан руҳланиб, завққа тўларди. Аммо... бу хурсандчилик кўпга чўзилмади, ҳаял ўтмай, «давра» унга бутунлай бефарқ бўлиб қолди, гўёки уни онасининг таниш-билишлари унутди. Аксига олиш, хонадон эгасининг ҳам у билан тенгдош боласи йўқ.

БОШҚА ХАЛҚЛАРДА ҚАНДАЙ?

Европа давлатларида эса бошқачароқ манзара, бола тўрт ёшга етгунча умуман меҳмондорчиликка олиб қорилмайди. Японияда меҳмонга борган ўғил бола оёғидаги пайпоғини кўрсатмаслиққа ҳаракат қилади. Бу уй эгасига бўлган ҳурматни билдирар экан. Албатта, бу борада ҳар бир халқнинг ўзига хос аънава ва урф-одатлари борки, бу ўша ҳудуднинг тарихий-этнография, миллий, ҳудудий шарт-шароитлари ҳамда қадриятлари билан ҳамбарчас боғлиқ. Бизда ҳам меҳмондорчилик ва меҳмонлик одоблари кўп йиллардан бери асраб-авайланиб келинмоқда. Масалан, меҳмондан аввал таомга қўл узатмаслик ва ундан аввал таом ейишни тўхтатмаслик, уни уйнинг тўрига ўтқизиш, иззат-икром кўрсатиш қаби одатлар борки, оналар ўз фарзандларига кичиклигидан бошлаб ушбу одоб қоидаларини, меҳмон ва меҳмонлиқнинг ўзига хос талабларини ўқитарди. Бунга қўнқан бола меҳмонга борса ёки уни қутиб олса, аввалдан қўлғона ўқтирилган панд-насихатларни эслади, ота-онасининг меҳмонга нисбатан кўрсатган ҳурмат-эҳтиромини кўз олдида келтирди.

Кайковуснинг «Қобуснома» асарида шундай дейилади: «Эй, фарзанд, меҳмон уйига кирсанг, ҳатто ўз ошангники бўлса ҳам ўзинга муносиб жойда ўтир, меҳмоннинг уйдан рухсатсиз нарса олиш уят». Гарчанд Кайковус таълимоти яратилгандан бери жуда кўп замонлар ўтса-да, тарбиявий характердаги



Қизалоқ қимнингдир унга «Вой, сенга эътибор бермабмиз, қара-я!» деб, уни саволларга қўйиб ташлашни жуда-жуда истарди. «Мададкор» она эса қизига бошқа хонада телевизор томоша қилишни ўқтирди... Қарангки, ўша кўни она болага меҳмондорчилик тати-мади, қизалоқ тинмай хархаша қилар, уйга кетдик, зерикдим, деб онасини ҳолу жонига қўймасди... Она ҳайрон, фарзанди бошқа ака-укалари бўлмаса ҳам айтганларини бажарарди, бегона хонадонга мослашиш учун вақт камлик қилди, шекилли. Умуман олданда, болани катталар иштирокидаги зиёфатларга олиб бориш ўринлими?

Биринчидан, боланинг тенгдоши бўлмаса, у ерда зерик-иши, асоссиз хархашалари қўлайиши табиий. Ёки, катталар даврасидаги мулоқотга ўрганган бола муддатидан олдин «катталиқни» даъво қилиб, унинг характерига катталар ҳаракатига ноўрин қучли тақлиднинг бошланиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Беозор, мулоий бола бетингизга сапчийдиган, ҳар ерда «меники тўғри», деган фикрга ёпишиб, болаларга хос бўлган сўзларни айтадиган бўлиб қолади. Шу сабаб, ота-она болани уйда қолдириш имконига эга бўлса, уни бегона муҳитга

Kuzatuv

олиб бормагани маъқул, деб ҳисоблайди мутахассислар.

ДАНАГИДАН МАЪЗИ ШИРИНМИ?

Бобо-буvisи қўлида тарбия топаётган болажонлар бошқаларига қараганда одоблироқ эканлигини қулатганмиз. Бош неварча бўлса, айниқса, унинг омади келди, девятеринг, Ота-хон-онахонларнинг бисотидаги энг яхши гаплар, ҳатто камёб совғалар унга тортиқ қилинади. Буvi, қайсики амма ёки холаниқига отландими, сеvimли неварча ҳам унга эргашади. Ота-онасини қўяверинг, бошқа қариндошлар ҳам сеvimли неварча жавоб қайтарар, уларнинг маънавий одоб неғарасини бузмасин, кексалар ҳурмати учун у билан эҳтиёткорона муомалада бўлади. Мутахассислар болажонга камчиликларни ёши улуглар унчалик фарқламачилигини таъкидлайдилар. Айниқса, у барча неваралар орасидан «сараланган» бўлса.

Адолат Жамолова, 75 ёш, меҳнат фаҳриси:

— Биз кексалар невараларимизнинг барчасини яхши кўрамиз, десак-да, улар орасидан биттасига меҳримиз бошқачароқ товланади. Бу неварча бува-буvisи таъсирида анча тантик, эркатой бўлиб ўсиши мумкин, лекин тарбияга оқилона ёндашилса, у ақлли, эсли-хушли бўлиб ўсади. Невараларимдан бирини меҳмон-

га олиб борганимда, бошқа болалар билан жанжаллашиб, таллашиб қолди. Шунда меҳмон аёл неварамга танбех берди. Ўзимни қанчалик босишга уримайин, бу танбехдан ранжидим, аммо буни сездирмадим.

Бу ҳолатга педагог Лола Мирзажонова шундай изох беради:

— Ҳеч қачон болага ота-онаси, бува-буvisининг олдида танбех бермаслиқ керак. У ёлғизланиб қолади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам боланинг меҳмон эканлигини, азалдан катта-кичи меҳмонга фақат илтифот кўрсатилганини унутмайлик. Меҳмон болалар билан мулоқот дўстона бўлсин, серзардалик, танбех нафақат боланинг, балки унинг ота-онаси ёки бува-буvisини ҳам нуқулай аҳволга солади.

Биз азалдан меҳмондўстлигимиз, бағрикенглигимиз билан дунёга танилган халқмиз. Боқий аъёналарга содиқ фарзандларни тарбиялаш учун ўзимиз ўрнатган кўрсаткич, қандай соз. Шундай қилишимиз керакки, бола ilk ёш давридан оқ-ахлоқ мезонларидан ўрин олган меҳмон ва меҳмон бўлиш қоидаларини ўзлаштириб бори-син. Келажакда, уни ўз ҳаётида қўлласин.

Навбахор РАҲМОНОВА

Қизиқ бир фактга кўзим тушиди: чех ота-оналар фарзандига болалигиданоқ бир ишни этагидан маҳкам туттишни ва шу хунарнинг моҳир устасига айланмагунча бошқа ишга қайрилиб ҳам қарамасликини ўргатишар экан. Бу ҳудди Чехия деганда, биринчи бўлиб кўз олдимизда гавдаланадиган — пухта ва пишиқ ишланган ноёб чех меъморчилиги бунёд этган иморатларга ўхшайди.

Чиндан ҳам, тарихий ва замонавий меъморчилик халқнинг маданияти, маънавияти ва қадим қадриятларидаги ҳақиқатни унсиз бўлса-да сўйлаб туради. Хусусан, эртакимо Прага шаҳрини «тирик тарих» деб аташ мумкин.

моқда ва бугун у чехларнинг миллий аъёналаридан бирига айланиб улгурган.

Бундан ташқари, улар балет ва драма театрлари ҳам тез-тез бориб, маданий ҳордиқ чиқариб туришади. Айниқса, Прага шаҳридаги театрларда фаолият юритувчи актёрлар маҳорати ҳар қандай инсонни сеҳрлаб қўяди. Уларнинг энг самимий ва содиқ мухлислари эса болалардир.

Кичкинтойлар XVIII асрдан буён мажбур бўлган кўгирчоқ театрига боришни хуш кўришади. Чунки чехиялик ўғил-қизлар гўдаклигидан эртагу афсоналар тинглаб улғайишади. Прагадаги «Сеҳргарлик», «Сеҳргар фавора» деб номланган ноодатий театр шуолари каттаю кичики бирдек ром этади, афсоналар оламига олиб киради.

Бугун кўплаб Фарб мамлакатларини «оила инкнрози» деган атама ташвишга солаётган бир шaroитда Чехияда ўрнал олса арзигулик қадриятлар

бола тарбияси асосан отанинг зиммасида бўлиб, у ҳатто фарзанди таълим олаётган мактабда ўтказиладиган турли тадбирларда ҳам қатнашишга вақт топиши лозим. Мактабларда «Ота-оналар мажлиси» деган гап йўқ, балки фақатгина «Оталар мажлиси» мавжуд. Шу боис таълим муассасаларида фақат оталар боради. Оталар ўқитувчилардан биринчи бўлиб фарзандининг ўзлаштириши ёки билимдонлик даражасини эмас, ахлоқи ва хулқи қандайлигини суриштирар экан. Табиийки, хулқи гўзал боланинг ўқишлари ҳам «аъло» бўлади.

Чехлар табиатан босиқ, кўнгли очик, уларнинг жажлини чиқариш қийин. Ҳар қандай муаммони ҳам вазминлик билан, тадбир билан ҳал этишга ўрганишган. Уларни яхши билганлар «дунёни сув босса тўпигига чиқмайди» деб таърифлашади. Бу — улар «боқибегам» экан деган маънони англатмайди. Бунинг устига, жуда

Umuminsoniy qadriyatlar

Чехлар эса ҳалол меҳнат қилиб топганини тартиббузарлик учун сарфлашни иштамайди.

Чехия кўчаларида бир қарашда кўзга тушадиган тоифа — бу ёшлар. Улар кўчаларни тўлдириб, кўҳна шаҳарларга замонавий рангу ифोर улашиб юради. Қувнок, фаол ва спорт билан мунтазам шуғулланувчи чехиялик ёшлар ўз тилидан ташқари, кўчаларда ҳам инглиз ва немис тилларида суҳбатлашади. Ёшлар орасида сайёхлик агентликларида ишлайдиган, гидлик қиладиган мутахассислар кўпчилигини ташкил этади. Чунки Чехияда тарихий қадамжолар шу қадар кўпки, уларни ташриф буюрувчиларга таништириш учун юзлаб бошловчилар хизматидаги эхтиёж сезилади.

Чехлар — жуда байрамсевар халқ. Улар ҳар бир унутилмас кунини ўзгача кайфиятда нишонлайди. Масалан, туғилган кунидан кейин исми қўйилган кунни ҳам шодиёнага айлантиради. Яна бир қизиқ жиҳат шуки, чехлар байрамларни ўз оиласи даврасида нишонлашга одатланишган. Байрам — уйники, деган машҳур гап бор уларда. Ҳар қандай қувончли кун аввало оила аъзолари билан баҳам кўрилади. Байрам дастурхони атро-

БАРДАВОМ АНЪАНАЛАР

ёҳуд чех оилаларида миллий қадриятларнинг фарзанд тарбиясидаги муҳим ўрни хусусида

Чехлар — азалдан бунёдкор халқ. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган иморатларни қуришдан то безатишгача уларнинг севиб амалга оширадиган машғулоти саналади. Айниқса, Рим усули, барокко ва рококо усулларида ишланиб, минг йиллардан буён савлат тўкиб турган юзлаб саройлар, қасрлар, ибодатхоналар ва мудофаа қалъалари мавжуд. Чехияда тарихий иморатлар ансамбли тўла ва яхши сақланган.

Тарахчиларнинг айтишича, Чехиянинг 1500 йилга яқин улкан тарихи бор экан. Балки бу рақамлар ҳеч нарсани англатмас. Шуниси аниқки, фақат Европа эмас, балки бутун дунёга донг таратган Чехиянинг боқий аъёналари, қадриятлари бугун ҳам халқнинг, хусусан, ёшларнинг ҳаётида алоҳида ўрин тутати. Чунки бу урф-одатлар ўз-ўзича пайдо бўлмаган. Бир неча асрлар ойда сайқалланиб, ажодлардан авлодларга ўтиб, сақланиб келади. Уларнинг замирида тарбия туради. Бу ҳам бўлса, бола тарбияси билан чамбарчас боғлиқ.

Чехиялик айрим ота-оналар фарзандларини раббатлантириш мақсадида мамлакатдаги бой ва улкан музей ҳамда галереяларга олиб боради. Масалан, Прага шаҳрида «Ойнаванд чех музейи», «Кафки музейи», «Миллий музей», «Қаймоқлар музейи» ҳам бор экан. Улар болаларнинг асабини тинчлантиради, руҳини аллалайди. Шунингдек, бу санъат ошёналарида тарихда ўтган ажодларни, уларнинг қаҳрамонликлари ҳақида мозий йўлларида йўқолмайд келаётган осори-атиқалар воситасида жонли суҳбатлар уюштирилади.

Чехлар болаларини миллий куй-қўшиқлари воситасида тарбиялаш, уларнинг мурғак қалбига меҳр-муҳаббат, дўстлик, садоқат, мардлик, гўзалликка ошуфталик, меҳнатсеварлик каби тушунчаларни шакллантиришда кенг фойдаланади. Уларда «Хар бир чех — мусикичи» деган нақл бор. Чехияда яшаб, мусикини тушунмаслик ёки бирор мусика асбобини чалиб, халқ оғзаки ижодидан бир шингил куй-лаш олмаслик айб саналади. Чехлар қўшиқ куйлашни ҳам, тинглашни ҳам ёқтиради. Зеро, 1946 йили илк бор мамлакат пойтахтида «Прага баҳори» деб номланган дунё микёсидаги мусика фестивали ўтказилгани ҳам бежиз эмас. Унда асосан жаз, мумтоз наволар ҳамда панк услубидаги куй-қўшиқлар жаранлаган. Шундан буён ҳар йили май ойида мажмур мусика анжумани узлуксиз равишда ўтказил-

ўз куч ва мавқеини йўқотгани йўқ. Оила чехларнинг ҳаётида гоят муҳим аҳамиятга эга. Оила тилга олинганди ҳатто иш ҳам бир чеккага суриб қўйилади. Одатий чех оилаларида ота-она ишлайди, болалари тарбиячи-ўқитувчи ёки энага қўлида бўлади.

Аксариёт чехлар фарзанд тарбиясида қаттиққўллик тамойилидан фойдаланади. Биринчи навбатда, улар фарзандига ўзидан катталарни ҳурмат қилиш лозимлигини ўқтиради ва бу амалиётда ўз ота-онасини қадрлашдан бошланади. Биласизми, улар боласини эркалаб, талтайтирмас экан. Аксинча, меҳнатдан қочмасликка ва мустақилликка ўргатади. Шунда боланинг иродаси тобланади, дунёқараши кенгайди, бировнинг фикрига таяниб қолмайди, деб ҳисоблашади.

Ўзини жуда яхши кўрадиган чехлар меҳнатда ҳам, дам олишда ҳам меъёрни библишади. Чехияда одатда аксариёт оилалар август ойида меҳнат таътилига чиқади. Бу давр улар учун жуда муҳим. Чунки йил давомида фақат шу пайтдагина оиласи даврасида истаганича бўлиб, мириқиб дам олади, болалари билан бир дастурхон атрофида овқатланади, турли диққатга сазовор жойларга саёхат уюштиради. Меҳнатига яраша чарқоқ чиқариш зарурлигини чехлар ўз болаларига шу йўл билан ўргатади, ажабмас.

Фарзанд тарбияси учун оила қанчалик масъул бўлса, уларнинг давлат ва жамият учун керакли кадр бўлиб улғайиши учун таълим муассасалари шу қадар жавобгар. Чехияда бу масала жиддий қаралади. Шу боис таълим тизими ўз ичига етти босқич (яъни мактаб)ни қамраб олади: мактабгача таълим ва тарбия; бошланғич мактаб; ўрта мактаб; гимназия; ўрта касб-хунар мактаби; ўрта махсус билим юрти; олий ва постдипломолди таълими. Чехиялик ўғил-қизларнинг камолотга етиши ана шу тарзда қатъий белгиллаб қўйилган.

Албатта, таълим ва тарбияда ўзига хос йўлни топиб олиш Европада жуда долзарб мавзуга айланган. Демократик тамойилларни ниқоб қилиб, ошқора тарбиясизликка ружу қўяётган, энди ҳаётга кириб келаётган ёшларнинг онгига оғу пуржаб, умрини залоллаб ботқоқига фарқ этаётган ёт кучларга қарши энг ишончли ҳимоя кўргони — мактаблар бўлиши лозимлиги Чехияда аллақачон тан олинган. Шу сабабли ҳам мактаб ўқитувчилари билан ўқувчиларнинг ота-оналари, айниқса, оталар ўртасида мунтазам алоқа ўрнатилган. **Чунки чехларда**



меҳмондўст халқ. Айни пайтда, улар ички кечинмаларини сиртига чиқармайди, ҳаяжони, ҳис-туйғуларини ошқор қилишни ўзларига эп кўришмайди. Бироқ чехнинг тўлқинланиб гапирган латифа ва асотирлари, эртагу афсоналарига ҳаяжонланмаган меҳмондан ҳам ранжимайди. Ҳозир тараққиёт мисли кўрилмаган даражага етган Европада қайси халқ, қайси миллат болалари эртақ эштиб, қадим асотирларни тинглайди, билмадик, бироқ чехнинг боласи, албатта, шуларни тинглаб улғаяр экан. Бу уларнинг инсонпарварлик туйғуларини тарбиялайди, ўз миллатига, юртига бўлган муҳаббатини ўстиради. Халқини севган одамдан ёмонлик чиқмайди.

Чехлар болаларига ҳам бир сўзлик, ҳушмуомалалик, ҳеч қачон суҳбатдоши билан тортишмаслик, аксинча, узок ўйлаб, фикрини қисқа тарзда баён этишга ўргатишади. Шундай қилса, ўзининг ҳам қадрини сақлайди, дўстлари билан муносабати ҳам бузилмайди. Шунинг учун чехларнинг катта қисми зиёли, ўқимшли халқ.

Яна бир жиҳат борки, бу борада кўпчилик чехларни немисларга тенглаштиради. Бу жиҳат — озодаликка интилишдир. Чехлар тозаликни ёқтиради, кўчаю хиёбонлари қанчалик одамларга тўлиб тошмасин, чиннидек тоза ва саранжом туради. Ота-оналар уйда, ўқитувчилар мактабда ўрнатган тартиб-интизом кўча-кўйда, жамоат жойларида ҳам амалда. Хар бир жойда тозалик нозирлари ёки камера назорати бўлиб, кўчани ифлос қилган, дуч келган жойга озиқ-овқат қолдиргани ташлаган одам белгиланган миқдорда жаримага тортилади.

фида бир-бирига эзгу тилаклар айтилади, ширинликлар улашилади. Бундай оилапарварликни кўриб улғайган болалар ҳам келажакада ота-онасининг хатти-ҳаракатларини такрорлайди, оила қадриятини мустаҳкамлайди.

Қолган вақтларда ҳам чехиялик ота-оналар қанчалик иш билан банд бўлмасин, яшанба кунлари, албатта, яна оилавий йиғилишиб, биргаликда тушлик қилишни ҳам одатга айлантиришган.

Мустақил Ўзбекистонимиз Чехия Республикаси билан 1997 йилдан буён турли соҳаларда яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Масалан, Тошкентда чех трамвайларидан, Урганчада чех тролейбусларидан фойдаланилмоқда. Кимё ва фармацевтика, илм-фан, археология ҳамда маданий-ижтимоий соҳаларда ҳам ўзаро тажриба алмашинуви йўлга қўйилмоқда. Дўстона алоқалар натижасида ёшларимизнинг Чехия Республикасида таълим олишга қизиқишлари ортомоқда. Ўзбекистонликлар чех курортларида дам олишни истабса, чехияликлар Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз каби қадимий шаҳарларимизга келиб, ёдгорликларни қўришга интиляпти.

...Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳар бир юрт, ҳар бир миллат ўз қадриятларига эга. Жумладан, бола тарбиясига бўлган муносабат ҳам ўзгача. Бироқ шуниси аниқки, ҳар бир халқ ўз келажаги, эртанги кунининг эгалари бўлган ёшларининг энг тарбияли, энг билимдон бўлишини хоҳлайди. Айнан мана шу нуқтада барча миллатларнинг орзу-интилишлари бирлашади, уйғунлашади.

Зоҳиджон ХОЛОВ тайёрлади.

МАШГУЛОТЛАР МИЯ ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАЙДИ

Югуриш, сузиш ва велосипед ҳайдаш каби машғулотлар инсон миЯ тўқималарини мустаҳкамлаб, ақлий салоҳиятини оширади. Бундай жисмоний машғулотлар вақтида мушакларнинг ксилород билан таъминланиши яхшиланади. Бу эса саломатликни сақлашда энг муҳим омиллардан биридир.



Бу маълумотлар уч минг нафар соғлом кўнгилли иштирокчилар ўртасида ўтказилган тадқиқотлар жараёнида яна бир бор ўз тасдиғини топди. Ушбу тажриба қатнашчиларининг ўртача ёши йигирма бешда эди. Изланишлар вақтида ҳар бир қатнашчидан имкон қадар узокроқ масофага югуриш суралди. Орадан маълум муддат ўтгач, улар яна бир бор ушбу машғулотни тасдиқлашди. Бу орада шифокорлар иштирокчиларнинг саломатлигини текшириб кўришди. Шунингдек, уларнинг миЯ фаолияти ва ақлий салоҳияти ҳам жиддий кўриқдан ўтказилди. Яқинда тадқиқотчилар жисмоний машғулотларга мунтазам қатнашган кишиларнинг ақлий қобилиятида ижобий натижаларни қайд этишди. Айниқса, бундай кишиларнинг фикрлаш даражаси ва хотираси бошқаларга қараганда анча устун экани маълум бўлди.

ШОКОЛАД ТАБЛЕТКА ДОИМ ЁНИНГИЗДА

Ҳар кунн оз миқдорда шokolad истеъмола қилиб юриш юрак хасталиклари пайдо бўлиши хавфини камайтириб, инфаркт ёки инсультга чалинишнинг олдини олади.



Мазкур тадқиқот натижалари асосида америкалик олимлар гуруҳи шokoladдан таблетка кўринишидаги дори воситасини яратишни режалаштиришмоқда.

Мутахассислар 18 минг-




дан зиёд инсон ўртасида ўтказилган тадқиқот натижасини синчиқлаб ўрганишди. Ушбу жараёнда улар мунтазам шokolad истеъмола қилиш артериал қон босимини меъёраштириб, юрак мушаклари фаолиятини яхшилади, деган қарорга келишди.

Мазкур махсулотнинг организмга ижобий таъсир кўрсатиши унинг таркибидаги флавоноид ва поливитаминлар билан боғлиқлиги таъкидланмоқда. Айнан ушбу фойдали моддалар, тиббиётчилар фикрича, хавфли юрак хасталикларининг ilk аломатларига қарши курашни хусуситига эга.

УЙҚУ БУЗИЛИШИ КАСАЛЛИКЛАР САБАБЧИСИ

Йиллар давомида юз берган уйқу меъёрининг бузилиши келгусида асаб тизими билан боғлиқ жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бунда киши биринчи навбатда хотирасининг ёмонлашуидан шикоят қила бошлайди. «The Daily Mail» наشري маълумотларига кўра, уйқу сифатининг 50 фоизга ёмонлашиши бош миЯнинг кексайиш жараёнини кучайтириши мумкинлиги аниқланди.

Калифорния тиббиёт маркази мутахассиси Терри Блэквеллнинг фикрича, бунда уйқунинг микдори эмас, балки унинг сифати муҳим аҳамиятга эга. Ушбу маълумот 2820 нафар киши ўртасида олиб борилган изланишлар мобайнида ҳам ўз тасдиғини топди. Олимлар беш кеча давом этган тадқиқотларда ҳар бир иштирокчилнинг уйқу маромини кузатиб боришди. Шундан сўнг, кўнгиллилар бир қатор тест саволларига жавоб беришди. Улар орқали хатоларни бартараф этиш, ҳаракатларни режалаштириш ва қарор қабул қилиш сингари имкониятлар баҳо-ланди.



Олимларнинг тасдиқлашича, сифатли уйқу юқори даражадаги иш самардорлиги асосидир. Чунки уйқу пайтида бош миЯ турли зарarli моддалардан тозаланиб, навбатдаги кун учун ўзига хос тайёргарлик кўради. Мунтазам равишда давом этган уйқусизлик эса, ўз навбатида, мазкур жараёни издан чиқариб, бош миЯ, асаб тизими ва бошқа бир қатор хасталикларга сабаб бўлади ҳамда қариш жараёнини тезлаштиради.

Моҳичебра ЎРОЛОВА тайёрлади.

ЁНФИНГА ҚАРШИ ҲАМКОРЛИҚДА

Пойтахтимиз аҳолисининг ёнфинг хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишини таъминлаш, юз бериши мумкин бўлган ёнфинларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш борасида ўт учирувчилар олдида муҳим вазифалар қўйилган. Бу вазифаларни бажаришда, албатта, маҳалла фуқаролар йиғинлари, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада яқин ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, маҳаллаларда турли учрашувлар, давра суҳбатлари, таълим муассасаларида эса амалий машғулотлар ўтказиб келинмоқда. Маҳалла фаоллари билан биргаликда хавфсизлик қоидаларига риоя этмаётган хонадонлар аниқланиб, уларга тушунтириш ишлари олиб борилиб, керак бўлса, тегишли жазо чоралари ҳам кўрилмоқда.

Ўқувчи ёшларга ёнфинни келтириб чиқарувчи омиллар, офатнинг салбий оқибатлари ҳаётини мисоллар орқали кенг тушунтириляпти. Маҳаллалар ва таълим муассасаларида олиб борилаётган ишларнинг самараси бу каби офатларнинг камаётганида кўзга ташланмоқда.

М.КОМИЛОВА,
12-ХЕҲО 11-ХЕҲ алоҳида пости
кичик инспектори, кичик
сержант

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Танлов номи: Махсус мактаб ва мактаб-интернатлар учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мазкур танловда қатнашишга ҳақиқ бўлган корхона ва ташкилотларни махсус мактаб ва мактаб-интернатлар учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш бўйича танловга таклиф этади.

Молиялаштириш: Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Танлов "Бир босқичли — бир конвертли" рақобат таклифларини танлаш тартиби асосида ўтказилади.

Махсус мактаб, мактаб-интернатлар учун чоп этиладиган дарсликлар РЎЙХАТИ

Пакет №	Дарслик номи	Муаллиф ф.и.о.	Синфи	Таълим тили	Нусхаси	Бир донга дарсликнинг максимал напри							
Ёрдмчи мактаблар учун							17	Мусика	Д.Каримова ва б.	1	ўзбек	1146	4 431,8
1.	Пропись (1 часть)	И.Новикова и др.	1	рус	224	4 128,9	18	Тасвирий санъат	Х.Эгамов	1	ўзбек	1146	3 742,8
	Пропись (2 часть)	И.Новикова и др.	1	рус	225	4 128,9	19	Меҳнат таълими (қўл меҳнати)	Г.Дроздова ва б.	1-2	ўзбек	1146	9 630,7
	Пропись (3 часть)	И.Новикова и др.	1	рус	225	4 554,8	20	Математика	М.Тоирова ва б.	1	ўзбек	1413	6 306,9
2.	Букварь	Э.Зокирова и др.	1	рус	284	36 878,6	21	Математика	М.Тоирова ва б.	2	ўзбек	1348	6 366,9
3.	Математика	М.Тоирова и др.	1	рус	257	27 750,8	Кар ва заиф эшитувчи мактаблар учун						
4.	Ручной труд	Г.Дроздова и др.	1-2	рус	255	35 314,0	22	Алифбе	У.Файзиева	0-1	ўзбек	467	23 636,6
5.	Рабочая тетрадь по математике	Ф.Музаффарова	1	рус	255	15 330,0	23	Ёзув дафтари (1-қисм)	У.Файзиева	1	ўзбек	467	5 060,5
6.	Музыка	Д.Каримова и др.	1	рус	255	15 263,1		Ёзув дафтари (2-қисм)	У.Файзиева	1	ўзбек	467	4 093,4
7.	Изобразительное искусство	Х.Эгамов	1	рус	255	14 685,3	24	Ўқиш китоби	М.Шомуродова	1	ўзбек	467	25 391,8
8.	Развитие речи	М.Қахрамонова	1	рус	543	7 860,8	25	Математика	У.Файзиева	1	ўзбек	467	15 826,5
9.	Ўзбек тили	З.Мамаражабова и др.	5	рус	647	12 587,4	26	Математика иш дафтари	Ҳ.Қалбаева	1	ўзбек	467	7 928,9
10	Швейное дело	У.Умарова	5	рус	622	12 303,0	27	Атрофимиздаги олам	Ф.Қодирова	1	ўзбек	467	20 432,4
11	Ўзбек тили	И.Соседова и др.	6	рус	627	12 865,8	28	Она тили	Р.Рустомова	1	ўзбек	467	20 432,4
12	Швейное дело	О.Бокиева и др.	6	рус	573	13 185,3	29	Нутқ ўстириш	У.Файзиева	1	ўзбек	467	25 391,8
13	Алифбе	М.Қахрамонова	1	ўзбек	1166	9 546,6	30	Талаффуз	В.Қаюмова ва б.	1	ўзбек	467	23 636,6
14	Ёзув дафтари 1-қисм	М.Ҳўжаева ва б.	1	ўзбек	1 146	1 406,5	31	Меҳнат таълими (предмет амалий таълим)	Г.Дроздова ва б.	1-2	ўзбек	467	20 432,4
	Ёзув дафтари 2-қисм	М.Ҳўжаева ва б.	1	ўзбек	1 146	1 406,5	32	Теварак-атроф билан таништириш	Ф.Қодирова	2	ўзбек	552	17 729,5
	Ёзув дафтари 3-қисм	М.Ҳўжаева ва б.	1	ўзбек	1 146	1 406,5	33	Ўқиш китоби	М.Шомуродова	2	ўзбек	482	3 640,9
15	Нутқ ўстириш	С.Саидазизова	1	ўзбек	1146	6 899,9	34	Талаффуз	Х.Розиқов	2	ўзбек	429	26 360,4
16	Математика иш дафтари	Ф.Музаффарова	1	ўзбек	1146	3 989,8	35	Талаффуз	Ф.Алимоҳоджаева	3	ўзбек	418	34 170,9
							36	Ўқиш китоби	Х.Самадова ва б.	4	ўзбек	487	28 561,9

Танловда қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар кўшимча маълумотларни 2014 йил 10 апрелдан бошлаб ҳар кунн (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10:00дан 17:00гача Халқ таълими вазирлигининг Дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларнинг

янги авлодини яратиш бўлимидан олишлари мумкин.

Манзил: 100078, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдо-ни, 5-уй, 3-қават, 319-хона. Телефон: (+998 71) 239-14-01, 239-40-81 Факс: (+998 71) 239-40-83.

Барча таклифлар 2014 йил 8 май кунн соат 14.00 га

қадар юқорида келтирилган манзилга топширилиши шарт. Танлов таклифлари Халқ таълими вазирлиги би-носиди 2014 йил 8 май кунн соат 15:00да барча қат-нашчилар вакиллари иштирокида очилади.

Кечикиб топширилган таклифлар очилмаган ҳолда иштирокчиларга қайтарилади.

Одатда, бирор ёзувчи тўғрисида гап борганда унинг қаерда, қачон туғилгани, ижодини қандай бошлагани, фалон-фалон асарларни ёзгани ва ҳоказолар ҳақида маълумот берилади. Миллий реалистик насримизнинг асосчиси Абдулла Қодирий тўғрисида сўзлаганда бунга мутлақо ҳожат қолмайди. Чунки Абдулла Қодирий асарлари алақачон ўзбекнинг барча хонадонига кириб борган, бадиий сўз муҳлиси борки, унинг қалбидан чуқур жой олган. Буюк сўз санъаткорининг шухрати мамлакатимиз чегараларидан чиқиб бошқа халқлар адибу китобхонларининг ҳам эътиборини қозонган.

Атоқли адабимиз Ойбек устоз санъаткорнинг маданиятимиз тарихидаги ўрнини таъкидлар экан, шундай дейди: «Абдулла Қодирийнинг прозаси, биринчи навбатда, ғоятда ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Қодирийнинг тилидан унинг халқнинг бой ва ажойиб тилини ғоятда яхши билганлиги яққол сезилди. Унинг романлари ана шундай гўзал тил билан ёзилган. У... тугма эпик ёзувчи, кенг кўламдаги мас-

тер, юксак маънодаги реалист санъаткор эди».

Улуғ ёзувчимиз асарларини қардош адабиётларнинг буюк намоёндалари ҳам ўзлари учун ўртак деб билганлар. «Абай» эпопеясидек ўлмас асарни яратган қозоқ адиби Мухтор Азевоз ўз устози ҳақида ғоят ҳаққоний гапларни айтган. «Абдулла Қодирий юксак романлар яратди, — дейди у. — Унинг романлари 20-йилларда гўё текис саҳрода тўсатдан пайдо бўлди. Қодирий асарларини Қурмонғози ёки Чайковский қуйларини тинглагандек дам олиб ўқийсан киши... Унинг тили равон, ширал, мушқий, менинча, барча Ўрта Осиё халқларига ҳам таржимонсиз тушунарли. Масалан, биз — қозоқлар Жулқунбой асарларини таржимасиз ҳам бемалол ўқиб тушунаверамиз...».

Ҳақиқий сўз усталарининг бадиий диди ҳам юксак бўлади. Улар ўз асарларига тўғри, ҳаққоний баҳо бера олишдек истеъдод эгаларидир. Абдулла Қодирий ҳам бундан мустасно эмас. Ушбу саҳифада эъмон қилинаётган икки парча фикримизга далил бўла олади.

М.САЪДИНОВ

Майда ҳикоялар устаси Чехов сўз тўғрисида келганда ҳаддан ташқари хасис, ортиқча сўзлар сарф қилиш у ёқда турсин, керакликларидан ҳам мумкин қадар юлишга ҳаракат қилади. Ўзи айтади: «Майда ҳикоялар ёзганда сўзни ортиқча исроф қилгандан кўра керакликларини ҳам мумкин қадар озроқ ишлатиш керак». Унинг ҳикояларида сўз исрофгарчилигига сабаб

ЎҚУМ — ЎРТАНУМ

Майда ҳикоялар ёзганда сўзни қандай тежаш керак

бўлатурган ортиқча деталлар ҳам бўлмайди. У бутун деталларни ўзи айткан асосда ишлатади. «Биринчи кўринишда милтиқ бўлса, шу милтиқ учинчи ёки тўртинчи кўринишда, албатта, отилиши керак, йўқса, милтиқ тўғрисида сўзлашнинг ҳожати йўқдир»...

Унинг сўзга хасислиги ўқувчига малол келмайди. Яъни айтмакчи бўлган фикрининг тушунилишини оғирлаштирмайди. «Буқаламун»да* воқеа йилнинг қайси фаслида бўлаётгани айтилмайди, аммо бундаги сўзлардан фаслни аниқлаш мумкин. (Албатта, бу сўзлар йилнинг фаслини билдириш учунгина келтирилмайди.) «Палтомни еч-чи, Елдириш... Кун жуда иссиб кетди... ёмғур ёғса ҳам ажаб эмас».

Куйидаги сўзлардан воқеа туш-ки овқатдан кейин бўлаётганини ҳам билиб бўлади:

«Теварак жим. Майдончада ҳеч ким кўринмайди. Дўкон ва қовоқхоналарнинг эшиклари очик, хувиллаб турадилар. Бу эшиклар ёнида гадой у ёқда турсин, бир зог ҳам кўринмайди».

Мана булар икки мақсад кўзда тутилиб айтилган сўзлар бўлиб, иккинчи мақсад мантикий равишда биринчидан келиб чиқади.

Деталлар(воқеани ташкил этган воқеачалар) ҳам ўзи ёлғиз қолиб, кераксиз сўз бўлиб қолмайди. Масалан, ҳикоянинг бошида «Очумилов янги шинел кийган» дейилган экан, бу нарироққа бориб, шинелнинг ечилиши, яна кийилиши билан боғланади.

Хрукеннинг ўнг қўлини юқориға кўтариб, халойиққа қонаган бармоғини кўрсатиши, унинг: «Энди, шу мажруҳ бармоғим билан эҳти-

Mutolaa

молки бир ҳафта ишга ярамасман», деган арзи Очумиловнинг: «Сен аҳмоқ, кўлингни тушир! Айб ўзингда!» деб қичқириши билан боғланган.

Ҳикояни «серсув»(кўп сўзли) қилатурган нарсалардан бири кўрсатиш ўрнига сўзлаб беришдир. Агар Очумиловнинг «Буқаламун» эканини унинг сўзлари орқали кўрсатилмаса, автор томонидан таърифланса, дунё-дунё сўз кетар эди. Чехов бунини ўзи айтиб бермасдан, Очумиловнинг ўз сўзи билан кўрсатади.

Очумиловнинг дастлабки фикри:

«— Итни ўлдириш керак, кутурган бўлса ҳам ажаб эмас».

Ит генералга қарашли, дейилгандан кейин:

«— Ит нозик, сен ҳўкиздай, бўйингни қара!».

Яна ит генералники эмас, дейилгандан кейин:

«— Генералнинг итлари қимматбаҳо нарсалар эди. Бу бўлса, эгасиз дайди итга ўхшайди. Эпақалиқ юнги ҳам йўқ. Шундай бемаъни итни ҳам сақлайдими киши!».

Яна, ит генералники, дейилгандан кейин:

«— Балки қимматбаҳо зотли итидир».

Ошпаз, ит генералники эмас, дегандан кейин:

«— Бу эгасиз дайди ит».

Ит генералнинг акасига қарашли экани маълум бўлгандан:

«— Яхшигина ит кўринади. Ўлгунча югурдак кўринади».

Мана бу диалогларга авторнинг ҳеч қандай изоҳи керак эмас. Бу диалоглар ҳам воқеани силжитади, ҳам ҳикоя қаҳрамони Очумиловни характерлайди.

Чехов услубидаги айрим хусусиятини сезган Л. Толстой бундай деган эди: «Чеховнинг импрессионистларга ўхшаган ўзига хос формаси бор... Яқиндан қарасак, худди ҳар бир тўғри келган ва бир-бирига алоқаси бўлмаган бўёқларни фарқ қилмасдан ишлатганга ўхшайди, аммо узокроқдан қарасанг, бу бўёқлардан ажойиб бир манзара вужудга келганини кўрасан».

Толстойнинг бу сўзи Чеховнинг ўз сўзига жуда мос келади. У дейди: «Табиатни тасвир қилганда майда бўлақлар олиш ва буларга шундай тартиб бериш керакки, ўқиб кўзингни юмганинда кўз олдинга бир манзара келсин».

«Буқаламун» ҳикоясидан бирон сўзни чиқариб ташлаш ёки бирон сўзни қўшиб мумкин бўлмаганлиги, сўзга нақадар диққат қилганлигини кўрсатади.

Абдулла ҚОДИРИЙ — ЖУЛҚУНБОЙ

* Буқаламун — Африкада бўлатурган бир турли эчкимар. Буқаламун ўзининг пўстини тез ўзгартира олади. Қаерда турса ўша ернинг тусига қира олади. (Муал.)

ЁЗУВЧИ ЎЗ ИЖОДИ ТЎҒРИСИДА

Абдулла Қодирий — Жулқунбой докладидан

«Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» ва бошқа бирмунча асарларнинг ёзувчиси Абдулла Қодирий ўз адабий тажрибаларини ёш ёзувчилар билан ўртоқлашиб, ўзининг узун докладида ўз ижодининг ҳамма томонларини ёритишга уринди. Унинг докладининг биринчи қисми то биринчи романи ёзишгача бошидан кечирган саргузаштларига, унинг турмуш мактабига бағишланган эди:

— Менинг бошимдан кечирганларимни айтишимдан мақсадим шуки, ҳақиқий ёзувчи бўлмоқ учун турмушни ҳар тарафлама ўрганиш, бунинг учун унинг ҳар соҳаларидан хабардор бўлиш керак. Қисман менинг бошимдан кечирганларим менинг ёзувчи бўлишимда каттагина рол ўйнаганлар. Ҳақиқий ёзувчи бўлишни истаган ёшларимиз ҳам дастлаб шу турмуш ичига киришлари, уни билишлари керак, — дейди ўртоқ Абдулла Қодирий.

— Турмушнинг турли соҳаларида ишлашим натижасида мен ўзбекларнинг урф-одатларини, улар ичида учрайтурган типларни ўрганолдим.

Асарлар устида қандай ишлашига кўчиб, ёзувчи айтади:

— Мен бир асар ёзишдан аввал шу ёзмोकчи бўлган нарсам ҳақидаги материалларни пухта ўрганиб чиқаман. Мен бирор жой тўғрисида асар ёзмोकчи бўлсам, ўша жойни аввал неча мартаба кўрганим эсамда, яна бориб текшириб, яхшироқ ўрганиб келаман. Материални ўрганиш маҳаллида энг майда нарсаларга(деталларга) ҳам аҳамият бераман. Масалан, мен ҳалиги ўрганимкокчи бўлган ерда қанча дарахт борлиги, уларнинг қанчаси эски ва қанчаси янгиллиги, мен борган маҳалда ўша дарахтларда қандай қушлар қайси хилда қўниб турганлиги ва шунга ўхшаш жуда майда нарсаларга. Биринчи қараганда, бу нарсалар ҳеч аҳамиятга молик бўлмайтургандек кўринса ҳам, кейинроқ фойдаси тегиб қолиши жуда мумкин. Масалан, «Ўткан кунлар»ни ёзиш чоғида Марғилонга борганимда бир кўчада ўтаётиб, намозшом маҳаллида доғ қилинган зигирёғининг хиди бурнимга урулди, мен бунини эсда тутиб

қолишга тиришдим. «Ўткан кунлар»нинг бир жойида шу кичкина бир детал киргизилганида берилган тасвирнинг яна ҳам одам ишонарлик бўлиб чиқгани эсимда. Умуман, деталлар ўқувчида ёзувчига ишонч уйғотади. Лекин мен ҳар қандай майда деталларни ҳам асарга киргиза бермайман. Уларнинг шу асарнинг худди жойида тасвир этилаётган аҳволга, идеяга тўғри келиш-келмаслигини суриштириб ишлатаман.

Ёзувчи бўлман деган ҳар бир киши ўзида мана шундай турмушнинг майда-чуйдаларига кузата олатурган қобилиятни ўсдириши керак.

Ёзувчининг ўзидан қўиши (русча айтганда, «вымысль») адабий асарда катта рол ўйнайди, — дейди яна ёзувчи, — лекин мен турмушда кўрмаган, билмаган нарсам ҳақида ҳеч нарсаси ёзмайман. Ҳар бир асаримнинг ёзилишига турмушда учраган бирор воқеа сабабчи бўлади. Масалан, мен колхозларда юганимда ҳақиқатан ҳам Обид кетмоннинг баъзи хусусиятларига эга бўлган бир типни кўрдим.

Мен материалларни ўрганиш маҳаллида асарни қайси хилда ёзиш ҳақида бош қотириб юрарман. Шунинг натижасида мен ўзимга асаримнинг жуда ҳам тахминий бир схемасини тузиб олиб, кейин ишга тушаман. Шундай схема бўлмаса, ҳеч қачон ёзувга ўлтиролмайман.

Ўртоқ Қодирий назарий билим олишининг жуда ҳам зарурлигини уқдириб ўтади:

— Ёзувчи бўлатурган ҳар бир киши адабиётдаги оқим ва мактабларни яхши билиб олиши керак. Энг яхши ёзувчиларнинг асарларини бир неча қайталаб ўқиш зарур. Ўқиганда ҳам ёзувчининг нима демоқчи эканини ва ўз фикрини қандай йўл билан ўқувчига аңглата олганини диққат қилиб суриштириб бориши керак. Шундагина ёзувчилардан хунаҳ ўрганиши мумкин.

Ёзувчининг айтишига қараганда, у бундан кейинги романи тарихий материаллар юзасидан ёзмोकчи. Ёзувчида яна ўзининг ҳажжойлигини янгидан бошлаш тилаги бор.

2014-yil 9-aprel, № 29 (8678)

МУСОБАҚА — БОЛАЛАРНИНГ ЖОНУ ДИЛИ



Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 43-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби доим ёшлар билан гавжум. Малакали мураббий иштиёқи баланд ўғил-қизларга спортнинг сирасорини кунт билан ўргатишади. Шунингдек, туман мактаблари ўртасидаги турли спорт мусобақалари ҳам мазкур манзилда ташкил этилади.

Чилонзор туманида жойлашган умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчи ва ўқувчилари жамоалари ўртасида «Соғлом фарзанд — юрт келажиги» шiori остида ўтказилган енгил атлетика беллашувлари ҳам бунинг яққол исботидир.

— Болалар спортини ривожлантиришда мана шундай қизиқарли мусобақаларнинг аҳамияти катта, — дейди таникли мураббий Турсунбой Абдураимов. — Бугун туман миқёсида кечган «Кувнок

стартлар» мусобақаларнинг финал босқичига қадар жами 30та мактаб жамоаси қатнашганди. Якуний босқичда эса 79-, 103- ва 281-мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари иштирок этишди. Мусобақа жараёнида болаларнинг кўзидаги ботириқ, ҳаракатларидаги ўзига бўлган ишонч, интилиш барчамизни қувонтирди. Бу ўғил-қизларимизнинг иродаси тобланаётганидан, спорт билан ўз хоҳишига қўра шугулланаётганидан дарак беради. Биласизми, мусобақа ташки-

лотчиларига ҳам аслида шу керак.

Чиндан ҳам, мусобақа — болаларнинг жону дили. У кўнгилдагидек ташкил этилса, болаларнинг фаоллиги ошади. Беҳуда «кўча ўйинлари»ни унутиб, спорт билан шугулланади, тенгдошларига ўзининг моҳир спортчи бўлиб улғаяётганини исботлаш мақсадида турнирларда қатнашади ва ғалаба учун майдонга тушишни ўрганади. Албатта, мусобақа ғолибсиз бўлмайди. Якунда 281-мактаб жамоаси 1-ўринни кўлга киритди. Ғолиб ва совриндорларга мусобақа ташкилотчилари томонидан диплом ва эсдалик совғалари берилди.

З.ХОЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири
Бурхон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.



«ШУНҚОРЛАР» БЕЛЛАШУВИ

Самарқанд ҳарбий курилиш лицейида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида аънаванави тарзда ўтказиб келинаётган мусобақада шаҳардаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари жамоалари иштирок этди.

— Мусобақа ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматга, ҳарбийликка

бўлган қизиқишини орттириш, мамлакатимиз тарихини, халқимизнинг бую мероси, қадрият ва аънаваларини чуқур ўргатиш, уларда мардлик, қатъиятлик фазилатларини шакллантириш мақсадида ўтказилмоқда, — дейди «Қамолот» ЕИХ шаҳар кенгаши раиси Р. Қобилов. — Иштирокчи жамоалар сафда юриш, сафда қўшқ билан юриш, альбомлар, махсус кийим-бош ва ижтимоий-сиёсий

савол-жавоблар, тест сновлари ҳамда спорт мусобақалари, мерганлик каби шартлар бўйича беллашувиди.

Мусобақа давомида барча шартларда рақибларига нисбатан фаоллик кўрсатган Самарқанд қишлоқ хўжалиги коллежининг «Хумо» ва Самарқанд молия-иқтисодий коллежининг «Шунқорлар» жамоалари бир хил натижани қайд этиб, ҳар иккаласи ҳам вилот босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди.

— Ҳарбийликка бўлган қизиқиш туфайли ушбу

мусобақада қатнашялман, — дейди «Шунқорлар» жамоаси сардори Нурбек Асламов. — Шу орқали ҳарбийлик касбини қўнқималарини шакллантириб бораёлман. Мақсадим ҳарбий бўлиш ва юртимиз дахлсизлигини таъминлашга ўз ҳиссамни қўшишдир. Бунинг учун «Шунқорлар»нинг вилот ва республика босқичларида ҳам муваффақиятли иштирок этишимиз лозим. Шу боис тайёргарликни янада қўчайтирамиз.

Ҳаким Жўраев,
«Ma'rifat» мухбири

«УМИД НИҲОЛЛАРИ»ДАН ОЛИМПИАДАГАЧА

Халқаро тоифадаги спорт устаси Раъно Омонова бугун ҳамма қизлар ҳавас қилади. У сузиш бўйича «Умид ниҳоллари», «Барқамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинлари финал босқичи ғолиби, бир неча бор мамлакат чемпиони, халқаро мусобақалар совриндори, Лондон олимпиадаси иштирокчиси.

Раънонинг спортга кириб келишининг ўзига яраша сабаблари бор. Қизалоқнинг нимжонлиги, тез шомоллашдан хавотирга тушган шифокорлар ота-онасига унинг сузиш билан шугулланиши мақсадга мувофиқ эканини айтишади. Поликлиникада ҳисобчи бўлиб ишлайдиган Фаридахон опа

9 ёшли қизини вилот халқ таълими босқирмаси тасарруфидида сузишга ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабига етаклаб борди. Раъно тажрибали мураббий Р. Амилов қўл остида мултиазам шугулланиб, аста-секин соғлигини мустаҳкамлаб бориш билан бирга спортда юксак

Sog'lom avlod — yurt kelajagi

натижаларга ҳам эриша бошлади. Унинг қомати расолиги, лобарлиги ҳам жисмоний тарбиядан десак муболага бўлмайди.

Айни пайтда Андижон давлат университети талабаси Раъно Омонова республика терма жамоаси сафида Осиё ўйинларига ҳозирлик кўрмоқда.

О.СИДДИҚОВ

ЧЕМПИОН НОМИ ЎЗГАРМАДИ

Сўнгги йилларда юртимизда мини-футбол ҳам кенг ривожланиб, жойларда мазкур спорт тури билан шугулланиш учун кулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Айниқса, профессионал футболчиларимизнинг мамлакат чемпионатидаги кескин курашлари қизгин ва мурасасиз тарзда ўтмоқда.

Мини-футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати ҳам якунига етди. Унда пойтахтимизнинг «Локомотив» жамоаси бош совринни кўлга киритди.

Хабарингиз бўлса, ушбу чемпионатнинг олий лига ўйинлари икки йилдан буюн икки даврага бўлинган ҳолда ўтказилмоқда. Илк босқичда кучли саккиз жамоа номи

аниқланади. Сўнгги плей-офф баҳсларига старт берилади. Унда совринли ўринлар учун кураш боради.

Мазкур босқичларда муваффақият билан иштирок этиб, барча рақибларидан устун келган тошкентликлар финалда Қаршининг «Дўстлик-АИ» клубига қарши тўп тепди. Гарчи илк финал ўйинида ғолиблик учун

чинакам «жанг» борган бўлса-да, «Локомотив» якунда барибир рақибни 3:1 ҳисобида енгди. Жавоб учрашувида эса ҳисоб 7:1 кўриниш олди. Шу тарика «темирўлчи»лар қаторасига иккинчи марта Ўзбекистон чемпиони, деган унвонга эга бўлган ҳолда бош совринни ўзларида сақлаб қолди.

Вице-чемпион «Дўстлик-АИ» эса ўз фаолиятида биринчи бор қумуш медалга сазовор бўлди. Бронза медал учун кечган яна бир учрашувда

Андижоннинг «Турон-С» клуби пойтахтнинг «Бунёдкор» жамоасини уч ўйин натижасига қўрамағлуб этди ҳамда қучли учлиқдан жой олди.

Шунингдек, турли номинация бўйича ғолиблар номи ҳам аниқланди. Унга қўра, чемпион клуб вакалили Артур Юнусов «Энг яхши мини-футболчи», клуб ҳужумчиси Андрей Шлёма «Энг яхши тўпурар» (30 та гол), «Дўстлик-АИ» аъзоси Акмал Ҳазраткулов «Энг яхши дарвозабон» деб топилди.

Shaxmat saboqlari



Сабоқларни FIDE устаси, мураббий Маматқул Хайлаев олиб боради

ЎЙИННИНГ БОШЛАНГИЧ ҚИСМИ

дебютнинг уч қондаси

22-дарсининг давоми

Яна бир бошланишни кўриб ўтамиз.

1. e2-e4 e7-e5
2. Oг1-f3 Oб8-c6
3. Фf1-c4 Фf8-c5

Иккинчи асосий қоида сипоҳларни тезроқ ривожлантиришдир. Биринчи галда енгил сипоҳлар ўйинга чиқарилиши керак. От ва филлар ҳозир энг яхши ҳоналарда жойлашиб, марказни назорат қилмоқда.

4. Oб1-c3 Oг8-f6
5. 0-0

Учинчи муҳим қоида — шохни яшириш, яъни рокировка қилиш саналади. Оқ шох ўнг қанотда ўзига хос «саройга» яширинди: уни учта пьедэ, от ва рух мустаҳкам кўрикламоқда. Коралар ҳам шундай йўл танлаши табиий. Уйин ўрталарида шох ҳимояга муҳтож бўлади. Сипоҳлар қамайиб, ўйин охирида эса шохларнинг мот бўлиш эҳтимоли қамаяди ва улар қурашда фаол иштирок этадилар.

- 5....
6. d2-d3
7. Фc1- g5

- 0-0
- d7-d6
- Фc8-e6

Иккала томон ҳам барча енгил сипоҳларни ўйинга сафарбар қилиб, шохларни яширишди (63-шакл).

Навбатдаги режа оғир сипоҳлар — фарзин ва рухларни кулай ҳоналарда жойлаштиришдан иборат. Шундан сўнг ўйиннинг бошланғич қисми якунланиб, ўйин ўрталари бошланади.

Ўйиннинг бошланғич қисми дебют (яъни бошланиш) деб аталади.

ДЕБЮТЛАР одатда 15—20 юриш давом этади.

Ҳар бир дебютнинг ўз номи бор. Биз кўриб ўтган бошланиш «Итальянча партия» деб номланган. Чунки, дастлаб бу дебютни итальян шахматчилари ўрганиб чиқиб амалда қўлаган. Шунингдек, бошқача юришлар билан бошланувчи «Испанча партия», «Хинд ҳимояси», «Французча ҳимоя», «Икки от ҳимояси» сингари қўлаб дебютлар мавжуд.

Яхши шахматчи бўлиш учун кўпроқ дебютларни билиш керак. Лекин, энг муҳими ўйин бошларидаги асосий қоидаларга амал қилиш ва уларни қўллашдир. Шахматчи малакаси ошган сайин услубига хос дебютларни мукамалроқ ўрганиб бориши талаб этилади.

Энди сизга таниш бўлган «Итальянча партия»нинг бошқа бир йўналишини кўриб ўтайлик.



64-шакл

1. e2-e4 e7-e5
2. Oг1-f3 Oб8-c6
3. Фf1-c4 Фf8-c5
4. c2-c3 Oб8-c5
5. d2-d3 a7-a6
6. Фc4-b3 d7-d6
7. Oб1-d2 0-0
8. h2-h3 Фc5-a7
9. 0-0

Ёш ўзбек гроссмейстери Рустам Қосимжонов ўйинларидан бири ана шундай бошланган эди (64-шакл).

(Қосимжонов — Пикет, Вейк-ан-Зее, 1999 йил)

Баъзан ўйинларни ёзишда қисқача ёзувдан ҳам фойдаланилади. Қисқача ёзувда донанинг дастлаб турган ҳонаси ёзилмай, қайси ҳонага юрганлиги кўрсатилади, холос.



Масалан, юқорида кўриб ўтган партия қисқача ёзувда қуйидагича ифодаланади.

1. e4 e5
2. Oг1 Oe6
3. Фc4 Фc5
4. c3 Oф6
5. d3 a6
6. Фb3 d6
7. Oбd2 0-0
8. h3 Фa7
9. 0-0 ...

(Давоми бор.)

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва Касаба уюшма қўмитаси Механика-математика факультети «Программалаш ва тармоқ технологиялари» кафедраси доценти Аҳмад Икромовга онаси

МУЗАФФАРХОН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия ихпор этади.

"ЮЛДУЗЧА"НИНГ КИЧКИНТОЙЛАРИ

Нукус шаҳридаги "Юлдузча" мактабгача таълим муассасасида 170 нафар кичкин-той тарбияланмоқда.



Болажонларнинг ҳар томонлама соғ-лом камолга етиши учун барча шaroit-лар яратилган муас-сасада рақс, тасвирий санъат ва инглиз тили тўғараклари фаолия-ти самарали йўлга қўйилган.

Суратларда: Нукус шаҳридаги "Юлдузча" мактабгача таълим муассасасида.


Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ
(ЎзА) олган суратлар.

2014-yil — Sog'lom bola yili



• реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама •

O' T I S H



SEN O'QISHGA
KIRISHGA TAYYORMISAN?

MENING SHAHRIM.
TA'LIM —
MENING REPETITORIM!

10 ta fan bo'yicha
TESTLAR
o'zbek va rus tillarida

Guvohnoma №005067-03

(99871) 283-23-79, 283-39-34, www.mg.uz

SHAHIRIM

B A L L A R I

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYO-
ROV, Farrux JABBOROV (bosh
muharrirning birinchi o'rinbosari),
Husan NISHONOV (bosh muharrir
o'rinbosari), Farhod RIZAYEV,
Nurlan USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari), "Учитель Узбекиста-
на", Mirzakarim XUDDIYEV,
Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib),
Aleksy CHUKARIN (mas'ul kotib),
"Учитель Узбекистана", Sa'dulla
HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. Г-426.
Tiraj 57909.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

*Ma'rifat*dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat raxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taq-
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-
53-14, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 233-56-45, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 233-
54-49, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 233-54-63, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 233-76-40, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Disaynerlar:

Liliya BINASHEVA,

Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir:

Jo'rabek JANGIROV.

Navbatchi:

Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

Sharq nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasi.

Korxona manzili:

«Buyuk Turo» ko'chasi, 41-uy

1 2 4 5

ЎЗА яқун — 21.25

Topshirdi — 22.00